**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

# ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ
# ФАНИ БЎЙИЧА
# ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Услубий қўлланма СамДУ
Ўқув- услубий кенгашининг
2012 йил мартдаги -рақамли
мажлисида муҳокама қилиниб
нашрга тавсия этилган

**Самарқанд – 2012**

Институционал иқтисодиёт фани бўйича таълим технологияси: Услубий қўлланма / “Иқтисодий таълимда ўқитиш технологияси” сериясидан - Самарқанд.: СамДУ нашри 2012. 155 бет.

Тузувчи: доц.Қувондиқов Ш.О.

**Лойиҳа муҳаррири**

иқтисод фанлари доктори, доцент Б.Х.Тураев

**Тақризчилар:**

иқтисод фанлари номзоди, профессор Б.А.Абдукаримов

иқтисод фанлари номзоди, доцент Б.М.Бобокулов

Услубий қўлланмада “Институционал иктисодиёт” фани бўйича ўқитишнинг янги технологиялаштириш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилган маърузa ва амалий машғулотларининг таълим технологияси келтирилган.

Ушбу қўлланма олий ўқув юртлари педагок ўқитувчилари ва талабалар учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий қўлланмадан “Институционал иктисодиёт” фани билан қизиқувчи илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув-услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутаҳассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ 1533-сонли қарори 2-иловаси 7-бандида кўрсатиб ўтилган вазифалар ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 15 октябрдаги № 87-01/1-166 модемограммасида белгилаб берилган ўқув-услубий мажмуалар намунавий таркиби ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети методикаси асосида ишлаб чиқилган.

**© Самарқанд давлат университети, 2012**

**МУНДАРИЖА**


| | | |
|---|---|---|
| **ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ** | | |
| 1 | Кириш | 5 |
| 2 | Институционал иқтисодиёт курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси | 7 |
| 3 | Институционал иқтисодиёт курсининг асосий мазмуни | 9-11 |
| 4 | Институционал иқтисодиёт ўқув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотларда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари | 12-14 |
| **ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ** | | |
| **1.** | **Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни** | 16-35 |
| 1.1. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш модели | |
| 1.2. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш модели | |
| **2.** | **Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли** | 36-49 |
| 2.1. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологияси | |
| 2.2. | Мавзу бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси | |
| 2.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **3.** | **Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш** | 50-60 |
| 3.1. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологияси | |
| 3.2. | Мавзу бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси | |
| 3.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **4.** | **Режа ва бозор институти** | 61-70 |
| 4.1. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологияси | |
| 4.2. | Маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 4.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **5.** | **Трансакция ва трансакция харажатлари** | 71-82 |
| 5.1 | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 5.2 | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 5.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **6.** | **Хуфёна иқтисодиёт** | 83-95 |
| 6.1. | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 6.2. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 6.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |

| | | |
|---|---|---|
| **7.** | **Мулкни муқобил режими ва ташқи самараси** | 96-103 |
| 7.1. | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 7.2. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 7.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **8.** | **Шартномалар назарияси** | 104-115 |
| 8.1. | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 8.2. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 8.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **9.** | **Давлат тўғрисида янги институтционал назария** | 116-127 |
| 9.1. | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 9.2. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 9.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **10.** | **Уй хўжалиги ва унинг хиллари** | 128-139 |
| 10.1. | Маърузани олиб бориш технологияси | |
| 11.2. | Мавзу бўйича маърузани олиб бориш технологик харитаси | |
| 10.3. | Мавзу бўйича амалий машғулотни олиб бориш технологияси | |
| **11.** | **Баҳолаш мезонлари жадвали** | 140-151 |
| **12.** | **Барча мавзуларга оид тавсия этиладиган умумий адабиётлар рўйхати** | 152-155 |

# КИРИШ

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, фан ва таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш жараёни жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Мазкур ўқув-услубий қўлланма иқтисодиёт соҳасида таълим олаётган талабаларга Институционал иқтисодиёт фанидан билимларини шакллантириш бўйича асосий ҳолатлар ва кўрсатмаларни янги педагогик технологияларни таълим технологиялари асосида ушбу соҳага татбиқ этиш йўллари ифода этилмоқда. Услубий қўлланма орқали ушбу фаннинг назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган айрим масалаларини: фаннинг предметини, асосий тамойилларини, институционализм назарияси, институтлар ва уларнинг субъектлари билан боғлиқ айрим муаммоларни ўрганиш назария ва амалиётни умумлаштириш, унинг натижаларини амалиётга татбиқ қилиш каби мавзуларни қамраб олади.

Услубий қўлланма - фаннинг мақсади, аҳамияти ва вазифалари; талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар; назарий, амалий ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни; курс ишлари мавзуси; методик тавсиялар, тақвимий мавзуий режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва баҳолаш мезонларини қамраб олган.

Услубий қўлланмада фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниб, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ КУРСИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

**МАЪРУЗА**

**СЕМИНАР**

**АМАЛИЁТ**

**МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**КЛАСТЕР ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**КУТИШ ЙЎЛДОШИ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ИНСЕРТ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**БББ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**БУМЕРАНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ЗИГЗАГ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**ЧАРХПАЛАК УСУЛИ**

**БЛИЦ-СЎРОВ УСУЛИ**

**ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ УСУЛИ**

**АҚЛИЙ ХУЖУМ УСУЛИ**

# ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

| | |
|---|---|
| **1.** | **Институционал иқтисодиёт курсининг долзарблиги ва ўқитиш структураси** |

## Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда институционал иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонларини, иқтисодиёт субъектларнинг фаолиятини ўрганиш усуллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларга бозор иқтисодиёти қонунларини, иқтисодиёт субъектлари, институтлар тизими, мулк ҳуқуқлари, инфратузилмалардаги ҳаракат фаолиятини, уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни, давлат ва уй хўжалиги каби институтларни, институционал ислоҳотларни таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқаришни ўргатишдан иборат.

## 2. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар Давлат таълим стандартидаги малакавий тавсифга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, талаба фанни ўзлаштиргандан кейин:

-институтлар тушунчаси, институционализм моҳияти ва тамойиллари, институтлар ва уларнинг иқтисодиётдаги функциялари, режали ва бозор иқтисодиёт институтлари асосий қонунлари, трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти, институционал ислоҳотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари, шартнома (контракт) тушунчаси ва унинг асосий шартлари, бозор, фирма ва хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида аниқ ***тасаввурга эга бўлиши лозим;***

-институционал назариянинг пайдо бўлиши, унинг концепцияларини, институтлар тизими ва ўйинлар назариясини, мулк ҳуқуқларини таснифланиш белгиларини, хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиш сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари, оқибатларини, институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қоидаларини, институционал ислоҳотлар босқичларини, корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг ўзига хос хусусиятлари, устунликларини, хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини ***билиши керак;***

-иқтисодиётда жорий этилган институтлар тизимини, улар фаолиятининг расмий ва норасий меъёрларини таққослаш, трансакция харажатларини классификациялаш ва улар кўрсаткичларини таҳлил қилиш, шартнома (контракт) таркиби ва уларнинг асосий кўрсаткичларни баҳолаш ва ташкилий тузилмаларни таҳлил қилиш, давлат ва фирма фаолиятининг

расмий ва норасмий меъёрларини шакллантириш бўйича ***кўникмаларга эга бўлиши лозим.***

## 3. Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Ҳозирги кунда институционал иқтисодиёт, иқтисодиёт назариясининг узвий бир йўналиши сифатида дадил майдонга чиқди. Ушбу назария Россия, Украина, Болтиқ бўйи ва бошқа қатор ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёт йўналишида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида кенг ўқитилмоқда.

"Институционал иқтисодиёт" фани "Иқтисодий назария", "Иқтисодий таълимотлар тарихи", "Миллий иқтисодиёт", "Микроиқтисодиёт", "Макроиқтисодиёт" фанлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бакалавриат босиқичида 5- семестрда ўқитилади.

## 4. Фаннинг ҳажми ва мазмуни

### 4.1.Фаннинг ҳажми

| № | Ажратилган соат<br>Машғулот тури | I-семестр |
|---|---|---|
| 1 | Назарий (маърузалар) | 28 |
| 2 | Амалий | 28 |
| 3 | Мустақил таълим | |
| | Жами | 100 |

## 5. Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Институтлар ва уларнинг иқтисодиётдаги функциялари, режали ва бозор иқтисодиёт институтлари асосий қонунлари, трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти, институционал ислоҳотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари, шартнома (контракт) тушунчаси ва унинг асосий шартлари, бозор, фирма, давлат ва уй хўжаликлари институционал иқтисодиёт фанининг таркиби қисмларини ташкил қилади. Шунинг учун институционал иқтисодиёт фани умумихтисослик фанлар блокининг асосий фанларидан бири ҳисобланади.

## 6. Фанни ўқитишдаги янги педагогик ва ахборот технологиялари

Талабаларнинг "Институционал иқтисодиёт" фанини ўзлаштиришлари учун илғор ва замонавий усуллардан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу жумладан, мазкур фан учун яратилган педагогик таълим технологиялари, ўқув-услубий мажмуаларва кейс стадилардан фойдаланиш, шунингдек, яъни таълимнинг "Инсерт", "Блиц-сўров", "Кластер", "Ақлий ҳужум", "Зиг-заг", "Гуруҳлар бўлиб ишлаш", каби ўқув усулларидан фойдаланиш тавсия этилади.

| 2 | Институционал иктисодиёт фанининг асосий мазмуни |
|---|---|

**1-Мавзу: Институционал иқтисодиёт ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни**

Институт тушунчаси. Институтларнинг иқтисодиётни ҳаракатланиб туришидаги роли. Институционализм иқтисодий йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши. Институционализмнинг асосий хусусиятлари. Институционализм ва замонавий янги классикага оид иқтисодий назария. Эски ва янги инстиуционализмнинг асосий оқимлари. Ҳозирги давр иқтисодий таълимотларининг асосий хусусиятлари.

**2-Мавзу: Меъёр ва институтлар**

Меъёр тарифи. Меъёр рационал танлов натижаси сифатида. Келишувлар ва уларнинг турлари. Институтлар ва уларнинг иқтисодиётдаги функциялари. Институтлар тизими. Институтлар ва индивидлар ўзаро харакатлари.

**3-Мавзу: Ўйинлар назарияси ва ўзаро харакатларни моделлаштириш**

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Устувор стратегиялар. Нэшу, Штакелбберг ва Парето бўйича мувозанат турлари. Ўзаро харакатлар моделлари классификацияси. Такрорланувчи ўйинлар ва уларнинг моҳияти, моделлари.

**4-Мавзу: Режа ва бозор институтлари**

Режа институти ва унинг асосий қонуни (конституцияси). Режали иқтисодиёт фаолият кўрсатиши ва унинг меъёрлари. Бозор конституцияси. Оддий ва мураккаб утилитаризм тушунчалари. Ахборотлар ассиметрияси ва уни бозор шароитида намоён бўлиши. Сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категориялари.

**5-Мавзу: Трансакциялар ва трансакцион харажатлар**

Трансакциялар тушунчаси ва унинг аҳамияти. Мулкдорлар ўртасида мулкчилик ҳуқуқини тақсимланиши. Коуза теоремаси ва унинг исботи. Трансакцион харажатлар тушунчаси, келиб чиқиш шартлари ва аҳамияти. Трансакция харажатлари турлари ва уларни камайтириш воситалари. Трансакцион харажатлар классификацияси ва улар кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари.

### 6-Мавзу: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи самаралар ва мулкчиликнинг муқобил шакллари

Ташқи самаралар таърифи ва унинг классификацияси. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи самара концепциясини ривожлантириш. Мулкчилик тушунчасига берилган таърифларга ёндашувлар таҳлили. Мулкчилик шаклларининг таснифланиш белгилари. Мулкчилик институти ривожланишининг Европа ва Осиё мамлакатларида таркиб топган йўллари. Мулкчилик муносабатларида мулкка эгалик қилиш ролини ўзгариши. Мулк шаклларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари.

### 7-Мавзу: Хуфёна иқтисодиёт

Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари. Хуфёна иқтисодиёт таркиби. Хуфёна иқтисодиёт кўламини баҳолашга ёндашувлар ва уларнинг кўрсаткчилари. Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг тулари. Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатлари.

### 8-Мавзу: Институтларнинг ривожланиши

Институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қоидалари. Фавқулотда юзага келувчи қоидалар. Институтлар ривожланишининг эволюцион вариантининг моҳияти ва аҳамияти. Институтларни импорт қилиш – улар ривожининг революцион варианти. Институционал ривожланишнинг икки сценарийси ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

### 9-Мавзу: Мамлакатни модернизация қилиш  шароитида институционал ислоҳотлар

Модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. Институционал ўзгаришлар ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш. Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш.. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва янги аграр муносабатларни такомиллаштириш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши.

### 10-Мавзу: Шартнома (контракт) назарияси

Шартнома тушунчаси ва уни бозор иқтисодиётдаги роли. Ёллаш шартномаси. Сотиш шартномаси. Шартномалар таркиби ва уларнинг асосий шартлари. «Принципиал» ва «агент» тушунчаси. Шартнома доирасида «буюртмачи» ва «бажарувчи» муносабатлари ва улар ўртасидаги чегаралар.

### 11-Мавзу: Бозор ва фирма институтлари

Бозор ва унинг ўзига хос томонлари. Бозордаги ўзаро алмашинув типлари. Фирма ва унинг турлари. Фирманинг ички тузилмаси. «Принципиал» ва «Агент» муаммолари. Унитар, холдинг, мультидивизионал ва аралаш тузилмалар. Вертикал ва горизонтал интеграция концепциялари. Фирмалар фаолиятининг ички ва ташқи иштирокчилари. Замонавий фирмалар ва уларнинг функциялари.

**12-Мавзу: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпоратив тузилмалар ва улар ривожланиши истиқболлари**

Замонавий корпорациялар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари. Корпорациялар устунликлари. Интеграциялашган корпоратив тузилмалар ва уларнинг гуруҳлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда шаклланган корпоратив тузилмалар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари.

**13-Мавзу: Ташкилий тузилмалар таҳлили**

Ташкилий тузилмаларни таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари. Фирма баланси - унинг тузилмаси ҳақидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги келишмовчиликлар ва уларни ҳал этиш йўллари. Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шакли - унинг стратегиясини белгиловчи омил сифатида.

**14-Мавзу: Давлатнинг янги институционал назарияси**

Давлатнинг ташкилот сифатида функциялари ва вазифалари. Давлатнинг мулк муносабатларидаги роли, давлат ва хусусий мулк чегаралари. Давлатлар типлари ва улар фаолият юритишининг ўзига хос жиҳатлари. Давлат бюджети таркиби. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва уни баҳолаш кўрсаткичлари.

**15-Мавзу: Уй хўжаликлари ва унинг турлари**

Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида.

**16-Мавзу: Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари**

Ривожланиш назариясининг неоклассик варианти. Дж.М.Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси. Инновацияларни классларга ажратиш. Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили. Институционал ва ташкилий инновациялар устунлиги.

# 3. ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ БЎЙИЧА МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан ривожланиб, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Давлатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини таъминлаш учун ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва маърифий соҳаларда чуқурислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жамият ва инсон манфаатига қаратилган бу ислоҳотларнинг самараси бевосита таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг салоҳиятига боғлиқдир.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга қодир миллий асосга қурилган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянадиган кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш асосий вазифаларидан бирига айланди. 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” миллий таълим тараққиёти ва миллий кадрлар тайёрлаш тизими истиқболларини белгиловчи ҳужжат сифатида бу соҳадаги ишларни ривожлантиришда яна бир тарихий давр бошланишига замин яратди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи таълим жараёнидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, яъни жаҳон андозаларига мос, рақобатбардош, юқори савияга эга бўлган мутахассислар тайёрлашдир. Ушбу мураккаб муаммоларни ечимини топиб, уларни амалда кенг қўллаш олий таълим тизими ходимлари олдига жуда катта вазифалар белгилайди. Бунда аниқ вазифалар сифатида бевосита ўқув жараёнини яхшилаш, ўқув дастурларини янада такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий педагогик технологияларини амалга жорий қилиш, техник воситаларидан кенг фойдаланиш ва шу асосда масофадан ўқитишни кенг жорий қилишдан иборатдир.

**Институционал иктисодиёт фанини ўқитишдан мақсад** – Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда институционал иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонларини, иқтисодиёт субъектларининг фаолиятини ўрганиш усуллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдир.

**Фаннинг вазифаси** – талабаларга бозор иқтисодиёти қонунларини, иқтисодиёт субъектлар институтлар тизими, мулк ҳуқуқлари, инфратузилмалардаги ҳаракат фаолиятини, уларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омилларни, давлат ва уй хўжалиги каби институтларни, институционал ислоҳотларни таҳлил қилиш асосида хулосалар чиқаришни ўргатишдан иборат.

Таълим сифати ва усулига қараб билим ҳосил бўлади. Бу ўқитувчининг маҳоратигагина эмас, балки тингловчининг истак-ҳоҳиши, қобилияти ва билим даражасини ҳам белгилайди. Таълим узоқ давом этадиган жараёндир.

Билим эса таълимнинг узлуксизлиги воситасида бериладиган мавҳум тушунчага эга бўлган ҳодисадир. Билим хусусийликка эга бўлса, таълим умумийликка эгадир. Таълим барча учун бир хилда давом этадиган жараён. Билим объектив борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инъикоси натижасида инсон миясидаги мушоҳадалар ва тасаввурлар натижасида ҳосил бўладиган тушунчалар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Таълимдаги сифат уни беришда иштирок этадиган кишилар сифати билан белгиланса, билим индивидуалликка эга бўлади. Таълимни амалга оширадиган ёки дарс берадиган кишиларнинг савияси турлича бўлиши мумкин. Лекин гуруҳдаги талабаларга бериладиган таълим бир хилдир. Ўқитувчи билим эмас, балки таълим беради. Талаба эса ана шу таълим жараёнида билимга эга бўлади. Бунинг учун у мустақил ўқийди, тайёрланади, мушоҳада қилади, тасаввурларга эга бўлади, эшитганлари ва ўқитганларини синтез қилади. Натижада билимга эга бўлади.

Ўқув жараёни билан боғлиқ таълим сифатини белгиловчи ҳолатлар қуйидагилар: юқори илмий-педагогик даражада дарс бериш, муаммоли маърузалар ўқиш, дарсларни савол-жавоб тарзида қизиқарли ташкил қилиш, илғор педагогик технологиялардан ва мультимедиали қўлланмалардан фойдаланиш, тингловчиларни ундайдиган, ўйлантирадиган муаммоларни улар олдига қўйиш, талабчанлик, тингловчилар билан индивидуал ишлаш, ижодкорликка ундаш, эркин мулоқот юритишга, ижодий фикрлашга ўргатиш, илмий изланишга жалб қилиш ва бошқа тадбирлар таълим устиворлигини таъминлайди.

Айтилганлардан келиб чиққан ҳолда «Институционал иктисодиёт» ўқув курси бўйича таълим технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларни келтирамиз:

***Шахсга йўналтирилган таълим.*** Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндошилишни назарда тутади.

***Тизимли ёндошув.*** Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғланганлиги, яхлитлиги.

***Фаолиятга йўналтирилган ёндошув.*** Шахснинг жараёнли сифатларини шакллантиришга, таълим олувчининг фаолиятини активлаштириш ва интенсивлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

***Диалогик ёндошув.*** Бу ёндошув ўқув жараёни иштирокчиларнинг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

***Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш.*** Демократлилик, тенглик, таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги субъектив муносабатларда ҳамкорликни, мақсад ва фаолият мазмунини шакллантиришда ва эришилган натижаларни баҳолашда биргаликда ишлашни жорий этишга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

***Муаммоли таълим.*** Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш орқали таълим олувчи фаолиятини активлаштириш усулларидан бири. Бунда илмий билимни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини, диалектик мушоҳадани шакллантириш ва ривожлантиришни, амалий фаолиятга уларни ижодий тарзда қўллашни мустақил ижодий фаолияти таъминланади.

***Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш*** – янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига қўллаш.

Келтирилган концептуал йўриқларга асосланган ҳолда, Фуқаролик процессуал ҳуқуқ курсининг мақсади, тузилмаси, ўқув ахборотининг мазмуни ва ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, маълум шароит ва ўқув режасида ўрнатилган вақт оралиғида ўқитишни, коммуникацияни, ахборотни ва уларни биргаликдаги бошқаришни кафолатлайдиган усуллари ва воситалари танлови амалга оширилди.

***Ўқитишнинг усуллари ва техникаси.*** Маъруза (кириш, мавзуга оид, визуаллаш), муаммовий усул, кейс-стади, пинборд, парадокслар ва лойиҳалар усулларидан, амалий ишлаш усули.

***Ўқитишни ташкил этиш шакллари***: диалог, полилог, мулоқот ҳамкорлик ва ўзаро ўрганишга асоланган фронтал, коллектив ва гуруҳ.

***Ўқитиш воситалари*** ўқитишнинг анъанавий шакллари (дарслик, маъруза матни) билан бир қаторда - компьютер ва ахборот технологиялари.

***Коммуникация усуллари:*** тингловчилар билан оператив тескари алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

***Тескари алоқа усуллари ва воситалари***: кузатиш, блиц-сўров, оралиқ ва жорий ва якунловчи назорат натижаларини таҳлили асосида ўқитиш диагностикаси.

***Бошқариш усуллари ва воситалари***: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

***Мониторинг ва баҳолаш***: ўқув машғулотида ҳам бутун курс давомида ҳам ўқитишнинг натижаларини режали тарзда кузатиб бориш. Курс охирида талабалар билими тест топшириқлари ёрдамида ёки ёзма назорат асосида баҳоланади.

## ИНСТИТУЦИОНАЛ ИКТИСОДИЁТ ФАНИДАН МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

**Институционал иктисодиёт фанининг мантиқий структураси**

МАВЗУ 1. Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни

МАВЗУ 2. Меъёр ва институтлар

МАВЗУ 3. Ўйинлар назарияси ва ўзаро харакатларни моделлаштириш

МАВЗУ 4 Режа ва бозор институтлари

МАВЗУ 5 Трансакциялар ва трансакцион харажатлар

МАВЗУ 6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи самаралар ва мулкчиликнинг муқобил шакллари

МАВЗУ 7. Хуфёна иқтисодиёт

МАВЗУ 8. Институтларнинг ривожланиши

МАВЗУ9 мамлакатниодернизацияқилишш ароитида институционал ислоҳотлар

МАВЗУ 10. Шартнома (контракт) назарияси

МАВЗУ 11. Бозор ва фирма институтлари

МАВЗУ 12 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпоратив тузилмалар ва улар ривожланиши истиқболлари

МАВЗУ 13 Ташкилий тузилмалар таҳлили

МАВЗУ 14 Давлатнинг янги институционал назарияси

МАВЗУ 15 Уй хўжаликлари ва унинг турлари

МАВЗУ 16 Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| **1-мавзу** | **Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни** |
|---|---|

**1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| *Машғулот вақти*-2 соат | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | **Кириш-ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | 1. Институт тушунчаси.<br>2. Институционализм иқтисодий йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши<br>3. Институционализмнинг асосий хусусиятлари.<br>4. Институционализм ва замонавий янги классикага оид иқтисодий назария<br>5. Эски ва янги инстиуционализмнинг асосий оқимлари<br>6. Ҳозирги давр иқтисодий таълимотларининг асосий хусусиятлари. |

**Маърузанинг мақсади:** Талабаларга институционал иқтисодиёт фанининг мазмуни вазифалари ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни аниқланиб берилади. институционал иқтисодиёт фанининг объекти, предмети ва усуллари талабаларга етказилади.

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| • Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тумавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш; | • Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни туилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беради; |
| • Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш; | • Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамиятининг мазмун-моҳиятини очиб берадилар; |
| • Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар бериш; | • Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини ёритиб берадилар; |
| • Институционал иқтисодиёт фанининг таркибий тузилишии билан таништириш; | • Институционал иқтисодиёт фанининг таркибий тузилишиини айтиб берадилар; |
| • Институционал иқтисодиёт фанининг объекти ва предмети ҳақида маълумотлар бериш; | • Институционал иқтисодиёт фанининг объекти ва предметини айтиб берадилар; |
| • Институционал иқтисодиёт фанининг усуллари ҳақида маълумотлар бериш; | • Институционал иқтисодиёт фанининг усулларини санаб ўтади; |
| **Таълим методлари** | маъруза, блиц-сўров, пинборд техникаси, ақлий хужум |
| **Таълим воситалари** | ЎУМ, маъруза матни, компьютер слайдлари, доска |
| **Ўқитиш шакллари** | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Оғзаки саволлар, блиц-сўров |

**1.2. “Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни”** маъруза машғулотининг технологик харитаси

| *Иш босқичлари ва вақти* | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *Таълим берувчи* | *Таълим олувчилар* |
| **Тайёргарлик босқичи.** | 1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.<br>2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдларини тайёраш.<br>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.<br>4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш. | |
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради *(1-илова)*.<br>1.2 Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(2-илова)*.<br>1.3. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.<br>1.4. «Ақлий ҳужум» методини қўллаб, мавзу бўйича таниш тушунчаларни айтишларини таклиф қилади (3-илова). Барча таклифларни доскага ёзиб боради. | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. |
| **2-босқич Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради<br>2.2. Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифаларини схемалар тарзида тушунтириб беради *(4-илова).*<br>2.3. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамиятини ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради *(5-илова).*<br>2.4. Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини слайдлар орқали тушунтириб беради *(6-илова).*<br>2.5. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради:<br>* Институт сўзининг мазмунини ёритиб беринг?<br>* Иқтисодиёт фанлари тизимига қандай фанлар киради?<br>2.6.Доскада қайд этилган асосий тушунчаларга қайтишни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда тушунчалар рўйхатини аниқлаштиради, қайтарилганларини олиб ташлайди, мавзуга тегишли бўлмаган маълумотларни олиб ташлайди ҳамда қайд этилмаган зарур тушунча ва атамаларни қўшадилар (ёзадилар). | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қиладилар. Фаолият натижаларини изоҳлайди. Мазкур мавзу бўйича эгалланган билимлар келажакда қаерларда қўлланилиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради.<br>3.2.Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини баҳолайди.<br>3.3.Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) бўш схемаларни тўлдириш; (2) саволларга оғзаки жавоб топиб келиш.(7-илова | Тинглайдилар.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова

**Институционал иктисодиёт фанининг мантиқий структураси**

МАВЗУ 1. Институционал иқтисодиё ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни

МАВЗУ 2. Меъёр ва институтлар

МАВЗУ 3. Ўйинлар назарияси ва ўзаро харакатларни моделлаштириш

МАВЗУ 4 Режа ва бозор институтлари

МАВЗУ 5 Трансакциялар ва трансакцион харажатлар

МАВЗУ 6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи самаралар ва мулкчиликнинг муқобил шакллари

МАВЗУ 7. Хуфёна иқтисодиёт

МАВЗУ 8. Институтларнинг ривожланиши

МАВЗУ9 мамлакатни модернизацияқилиш шароитида институционал ислоҳотлар

МАВЗУ 10. Шартнома (контракт) назарияси

МАВЗУ 11. Бозор ва фирма институтлари

МАВЗУ 12 Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпоратив тузилмалар ва улар ривожланиши истиқболлари

МАВЗУ 13 Ташкилий тузилмалар таҳлили

МАВЗУ 14 Давлатнинг янги институционал назарияси

МАВЗУ 15 Уй хўжаликлари ва унинг турлари

МАВЗУ 16 Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари

2-илова

# МАВЗУ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

| Муддати | Назорат шакли | Талаба баллари |
|---|---|---|
| Маъруза машғулоти дарсида | Маъруза машғулотида фаол иштирок этиш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Амалий машғулот дарсида | Амалий машғулотда индивидуал топшириқларни бажариш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Курс бўйича берилган топшириқларни бажариши (масалалар, реферат ва бошқалар) | Мавзулар бўйича ёзилган ишга | 20 балл |
| Курс давомида фаннning бўлимлари бўйича назорат иши ва тестлар (оралиқ назорат баллари) | Маъруза машғулотларидан олинган билимларни мустахкамлайди ва амалиётда қўллаш учун ўзларини билимларини синаб кўради | 28 балл |
| Курс охирида | Тест топшириш ёки оғзаки баҳолаш | 24 балл |
| | Жами: | 100 балл |

86 % - 100% → «Аъло»
71 % - 85% → «Яхши»
55 % - 70% → «Қониқарли»
0% - 54% → «Қониқарсиз»

**3-Илова**

***«Ақлий ҳужум» методининг асосий қоидалари:***

- Аудиторияда олга сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- Ҳар бир шахс томонидан таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда нотиқни бўлма!
- Мақсад – мазмунли фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоялар билдирилса, шунчалик яхши. Янги ва бебахо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли кўпаяди.
- Агар фикрлар қайтарилса асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамидагина ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар «ҳужуми» ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга қатъиян риоя қилиниши шарт.

Берилган саволга қисқача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

**4-илова**

# I. Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифалари

**Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади**

1. Фаннинг ўқитишдан мақсад – талабаларга мамлакатда рўй берадиган институтционал ўзгаришлар тўғрисида чуқур билимлар бериш, уларнинг фаолиятини таҳлил қилиш услубларини билишликларини таъминлаш,

2. бозор иқтисодиётига мос институционал ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ қилиш кўникмаларини ўргатишдан, муаммоларга ижодий ёндашиш, уларни иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини хисобга олган холга оптимал қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

**5-илова**

## Иқтисодий фанлар тизими



6-илова

**«Институционал иқтисодиёт»** фанининг бошқа фанлар билан алоқаси



5-илова

**Мавзуни жонлантириш учун блиц сўров саволлари**

1. Ҳозирги иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишларини айтинг.
2. Институционализмнинг бошқа йўналишлардан фарқини айтинг.
3. «Эски» институционализм вакилларининг қарашларини шарҳланг.
4. Инстиуционализмнинг асосий назарияларига тариф беринг.
5. Мулкий ва шартномавий муносабатларга оид назарияларни шарҳланг.
6. “Эски” ва “янги” институционал мактабларнинг принципиал фарқини айтинг.

6 - илова

## 1§. Институт тушунчаси.

to institute (ингл.) – белгиламоқ, таъсис қилмоқ маъносини билдиради.

Институт тушунчаси иқтисодчиларга ижтимоий фанлар томонидан ўзлаштирилган бўлиб, қисман социология фанига ҳам тегишлидир.

**Институт** - бу маълум эҳтиёжни қондириш учун мўлжалланган хизматлар ва белгили ҳақ-ҳуқуқлар йиғиндисидир.

Институт тушунчасини шунингдек, сиёсий фалсафа ва ижтимоий психология фанлари билан боғлиқ бўлган илмий ишларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, институт категорияси Джон Ролзнинг «Адолат назарияси» деб номланган илмий ишида асосий категориялардан бири сифатида келтирилган. Институт деганда мен, қоидаларнинг оммавий тизимини тушунаман, қайсиким бу тизимлар, тегишли ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ҳокимият ва дахлсизлиги бўлган лавозим ва амалларни тавсифлайди. Ушбу қоидалар айрим ҳаракат шаклларини рухсат этиш тарзида таснифласа, бошқаларини эса, ман қилиш тарзида таснифлайди, ҳамда шу тарзда зулм ўтказилганда, куч ишлатилган ҳолатларда маълум бир ҳаракатни жазоласа, бошқаларини ҳимоя қилади. Мисол сифатида ёки ижтимоий амалиётнинг янада умумий жиҳатлари сифатида оладиган бўлсак, бунга ўйинларни, диний маросимларни, судларни, парламентларни, бозорлар ва мулкчилик тизимини киритишимиз мумкин бўлади.Иқтисодий назарияда институт тушунчаси илк бор таҳлилда пайдо бўлиб, бу тушунчани фанга Торстейн Веблер киритди.

## 2§. Институционализм иқтисодий йўналишининг шаклланиши ва ривожланиши

Ижтимоий-институционал йўналишнинг бошланиши X1X асрнинг охирларига тўғри келади ва XX аср 20-30 йилларида АҚШ да кенг тарқалган.

Йўналишнинг номи лотинча "institut" - сўзидан олинган. Институционализм – иқтисодий назариядаги йўналишлардан бири. Унга кўра иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий категориялар институционал характерга эга. Институционализмда асосий эътибор давлат, хусусий мулк, солиқ тизими, дин ва монополияларнинг иқтисодиётга таъсирига қаратилади.

Йўналиш вакилларининг фикрича институтлар жамият ривожланишининг харакатлантирувчи кучлари бўлиб хизмат қилади.

Объектив иқтисодий қонунлар тан олинмайди. Хусусий мулк, солиқ, пул, кредит, фойда ва савдо каби иқтисодий категориялар жамият руҳининг пайдо бўлиши шакли ҳисобланади.

Бу йўналишдагилар маълум гуруҳларнинг одат, анъаналари, юриш-туриши, ўйлаш усуллари, ҳуқуқий-аҳлоқий ва бошқа кўринишлар эволюциясини тадқиқ қиладилар.

## 3§. Институционализмнинг асосий хусусиятлари

Институционализм йўналишининг тадқиқот предмети сифатида ижтимоий-иқтисодий, шу билан бирга ноиқтисодий муаммоларни таҳлил этиш илгари сурилади. Шу билан бирга, тадқиқот объектлари, яъни институтлар биринчи ёки иккинчи даражали деб қаралмайди ва бир бирига қарама-қарши қўйилмайди.

Институционализмга хос бўлган услубий хусусиятлар:

1. неоклассикага хос абстракциянинг юқори даражаси ва айниқса, баҳо назариясининг ортодоксал статик хусусиятидан қониқмаслик;
2. иқтисодий назарияни бошқа ижтимоий фанлар билан интеграцияга интилиш ёки фанлараро ёндашув устуворлигига ишонч; классик ва нооклассик назарияларда эмперизм
3. (тажрибага суяниш) етишмаслигидан норозилик, чуқур миқдорий тадқиқотлар ўтказишга чорлаш.

## 4§. Институционализм ва замонавий янги классикага оид иқтисодий назария

Янгича классикага оид назарияни, замонавий иқтисоднинг амалиётида бўлаётган ҳодисаларни англаб олишга ҳаракат қилаётган иқтисодчилар далиллар билан исботламоқчи бўлишди, аммо, айрим сабабларга кўра ушбу келтирилган далиллар етарли даражада талабга жавоб бермади(60-йиллар бошида):

1. Янгича классикага оид назария нореал, хаёлий нуқтаи назарга ва чекловларга асосланиб, бу эса ўз навбатида иқтисодий амалиётга хос бўлмаган моделлардан фойдаланишга олиб келади. Коуз янгича классикага оид бундай ҳолатни «синф доскасининг иқтисодиёти» деб атаган.

2. Иқтисодий фан феноменлар (яъни, ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани ангалтувчи тушунча) доирасини кенгайтиради (масалан, идеология, ҳуқуқ, одоб-аҳлоқ меъёрлари, оила кабиларни), қайсиким, улар иқтисодий фан нуқтаи назаридан муваффақиятли тарзда таҳлил қилинади. Бундай жараён «иқтисодий империализм» деган ном олди. Ушбу йўналишнинг илк номоёндаларидан бири Нобель мукофоти лауреати Гарри Беккер ҳисобланади. Аммо, инсонларнинг ҳаракатини ўрганувчи умумий фанни яратишга бўлган талаб ҳақида аввалроқ Людвиг фон Мизес ёзган бўлиб, у бу ҳолат учун «праксеология» деган атамани таклиф қилиб киритиган.

3. Янгича классика доирасида иқтисоддаги динамик ўзгаришларни батафсил тарзда тушунтириб берадиган назария деярли мавжуд эмас, ваҳоланки, XX асрнинг тарихий ҳодисалари бўлиб ўтаётган муҳим вазиятда уларни ўрганишга талаб анча юқори даражага кўтарилган эди. (Умуман оладиган бўлсак, XX асрнинг 80 йилларига қадар иқтисодий назария доирасида бундай муаммо фақатгина Маркснинг сиёсий иқтисоди доирасида чегараланган ҳолатда кўриб чиқилар эди.

## 5§. Эски ва янги институционализмнинг асосий оқимлари

«Эски институционализм, иқтисодий оқим сифатида 19-20 асрлар оралиғида юзага келди. У иқтисодий назариядаги эски ва янги тарихий мактаб деб номланувчи тарихий йўналиш билан узвий боғлиқликда бўлган (Лист Ф., Шмолер Г., Бретано Л., Бюхер К.).Институционализмнинг ривожланиши бошиданоқ, унинг ижтимоий назорат ва иқтисодий жараёнларга омманинг ҳамда айниқса, давлатнинг аралашуви ғоясини қўллаб-қувватлаши билан характерланади. Бу тарихий мактабдан қолган меърос бўлиб, унинг номоёндалари барқарор детерминистик (яъни, нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимотга асосан) боғланишларнинг ва иқтисодиётдаги қонунларнинг мавжудлигини рад қилиб қолмасдан, балки, жамиятнинг фаровонлигига миллий иқтисодиётга наф келтирувчи қатъий давлат бошқаруви орқалигина эришиш мумкин деган ғоянинг ҳам тарафдорлари бўлган. «Эски инстиуционализм»нинг аҳамиятга молик номоёндалари қуйидагилардир: Торстейн Веблен, Джон Коммонс, Уэсли Митчелл, Джон Гэлбрейт.

## 6§. Ҳозирги давр иқтисодий таълимотларининг асосий хусусиятлари.

Бозор муносабатларининг амалда намоён бўлиши, турли мамлакатлар, соҳалар ва тармоқларда бир-биридан фарқ қилганлиги тарихдан маълум. Шунингдек, бозор муносабатлари тўғрисидаги ғоя ва қарашлар ўз хусусиятларига эга бўлган. Бироқ X1X аср охири ва XX аср бошига келиб, иқтисодий муносабатлар ривожидаги хусусиятлар янгича ёндашув, таҳлил ва талқинларни тақозо эта бошлаган. Бу эса, тадқиқотларнинг йўналишларида намаён бўлди. Назарий тадқиқотлар амалий фаолиятни чуқуррок ўз ичига қамраб олиши билан бир қаторда, амалиётда ҳам назарий қоидаларни қўллаш учун интилиш кучайди,яъни назария ва амалиёт бирлиги муҳимдир.

X1X аср охири ва XX аср бошларида бундай шароит, ҳозирги давр иқтисодий ғояларининг шаклланиши ва ривожланиши учун бошланғич нуқта бўлди.

Иқтисодий таълимотлар тарихида мазкур ғояларнинг вужудга келиши ва ривожланиши асосан уч хил йўналишга ажратиб ўрганилмоқда:

Булар: 1. Ижтимоий-институционал; 2. Кейнсчилик ва янги кейнсчилик; 3. Неоклассик.

5-илова (1.1)

**Хулоса**

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишлари шаклланди. Улар уч йўналишдан: неоклассика, институционализм ва кейнсчиликдан иборат. Классик назариянинг маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида намоён бўлди.

Институционализмнинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, у бозор муносабатлари таҳлилининг янги соҳасидир. Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишда методологик индивидуализм ва холизм методологиясидан фойдаланилади. Улар институтлар ёки индивидларнинг бирламчилиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади.

Институционал иқтисодиёт ривожланишида ўзаро ўхшаш номдаги неоинстиуционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат. Биринчи босқичда мулкчилик ҳуқуқлари (Р.Коуз, Р.Познер, С.Пейович), оптимал шартнома, конституциявий иқтисодиёт (В.Ванберг), ижтимоий танлов (Ж.Бьюкенен, Г.Таллок), трансакция харажатлари (Р.Коуз, О.Уильямсон), ахборот (Ж.Стиглер) назариялари, иккинчи босқичга *ўйинлар назарияси* (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш), Г.Саймоннинг тўлиқсиз рационаллик назарияси киритилган. Д.Норт тадқиқотларида индивидларнинг институционал доираларни ўзгартиришга қодирлиги таъкидланади. Янги институционал иқтисодиётнинг энг ёйиқ кўринишдаги дастури *келишувлар иқтисодиёти* (Л.Тевано, О.Фавро, А.Орлеан, Р.Буайе)дир. Уни таҳлил қилиш марказида келишувлар туради. Келишувлар индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг умумий доиралари сифатида қабул қилинади.

## Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.

1. Ҳозирги иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишларини айтинг.
2. Институционализмнинг бошқа йўналишлардан фарқини айтинг.
3. «Эски» институционализм вакилларининг қарашларини шарҳланг.
4. Инстиуционализмнинг асосий назарияларига тариф беринг.
5. Мулкий ва шартномавий муносабатларга оид назарияларни шарҳланг.
6. “Эски” ва “янги” институционал мактабларнинг принципиал фарқини айтинг.
7. Неоинституционал иқтисодий назарияни (неоинституционализмни) ривожлантириш учун нима асос бўлиб хизмат қилди?
8. Неоинституционал назариянинг асосий қоидалари қанақа? Уларнинг неоклассик назариянинг базавий асосларидан фарқи нимада?
9. Неоинституционал назарияда нима таҳлилнинг базавий бирлиги ҳисобланади?
10. Неоинституционализмнинг асосий йўналишларини санаб беринг.

## Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:


1. И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009
3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
4. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: “Молия”. 2002.
5. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
6. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
7. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 1-мавзу | Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни |
|---|---|

**1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| **Машғулот вақти-2 соат** | **Талабалар сони: 20 –30 гача** |
|---|---|
| **Машғулот шакли** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| ***Амалий машғулот режаси*** | 1. Институционал иқтисодиёт фани тўғрисида умумий тушунчалар ва ахборотлар.<br>2. Институционал иқтисодиётнинг назарий асослари.<br>3.Институционал назария мактабларининг классификацияланиши.<br>4. Институционал иқтисодиёт йуналишлари. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларга институционал иқтисодиёт курсининг мазмуни вазифалари ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни аниқланиб берилади. Институционал иқтисодиёт фанининг объекти, предмети ва усуллари талабаларга етказилади. | |

| ***Педагогик вазифалар***: | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
|---|---|
| • Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тумавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш;<br>• Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги ҳақида маълумотлар бериш;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг таркибий тузилишии билан таништириш;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг объекти ва предмети ҳақида маълумотлар бериш;<br>• Институционал иқтисодиёт | • Институционал иқтисодиёт фанининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни туилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беради;<br>• Бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий фанларнинг ўрни ва аҳамиятининг мазмун-моҳиятини очиб берадилар;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини ёритиб берадилар;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг таркибий тузилишиини айтиб берадилар;<br>• Институционал иқтисодиёт фанининг объекти ва предметини айтиб берадилар;<br>Институционал иқтисодиёт фанининг |

| | |
|---|---|
| фанининг усуллари ҳақида маълумотлар бериш; | усулларини санаб ўтади; |
| ***Таълим бериш усуллари*** | Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров |
| ***Таълим бериш шакллари*** | Оммавий, гуруҳларда ишлаш: “кооп-кооп” техникаси |
| ***Таълим бериш воситалари*** | Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари |
| ***Таълим бериш шароити*** | Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| ***Мониторинг ва баҳолаш*** | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

**1.2. “Институционал иқтисодий назария ва унинг ҳозирги давр иқтисодий таълимотларида тутган ўрни”** амалий машғулотнинг технологик харитаси

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади *(1-илова).*<br>Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун - ёзма йўриқномаларни тайёрлайди *(2-илова).*<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади *(3-илова).* | |
| **1. Ўқув машғулотига кириш босқичи** *(10 дақ)* | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлилиги ва долзарблигини асослайди.<br>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради *(4-илова).*<br>1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади *(2-илова).* | Саволларга жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради *(2-3-илова).* Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида такдимот тайёрлашини айтади.<br>2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади *(5-илова).*<br>2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.<br>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар такдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.<br>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди. | Кичик гуруҳларга бўлинадилар.<br><br>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.<br><br>Фаол қатнашадилар, такдимот учун материаллар тайёрлайдилар.<br><br>Гуруҳдан сардор танлашади, унинг тақдимотида ҳамкорлик қиладилар. |
| 3–Якуний босқич (20 дақиқа) | 3.1.Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.<br>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади. | Тинглайдилар. |

**1-илова**

## «БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

**Биргаликда ўқиш:** ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тўзилади.

↓

2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир *қисми,* унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.

↓

3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

↓

4. Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

↓

5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.

↓

6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

**2-илова**

***Гуруҳларда ишлаш қоидаси***

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

**3-илова**

***Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари***

| **Мезонлар** | **Макс. Балл** | **Гуруҳ натижаларини баҳолаш** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ахборотнинг тўлиқлиги | 1,0 | | | | | | |
| Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши | 0,6 | | | | | | |
| Гуруҳнинг фаоллиги | 0,4 | | | | | | |
| Балларнинг максимал суммаси, жами | 2 | | | | | | |

**4-илова**

**Билимларни фаоллаштириш учун саволлар**

* Институционализм назариясининг мазмунини ёритиб беринг?
* Иқтисодиёт фанлари тизимига қандай фанлар киради?

**5-илова**

**Эксперт вараги №1**
**Ўқув топшириқ**

**Институционал иқтисодиёт фанининг объекти ва предмети**

1.Институт сўзининг мазмунини ёритиб беринг?
2. Институционал иқтисодиёт фанининг объекти нима?
3. Институционал иқтисодиёт фанининг предмети?

**Эксперт вараги №2**
**Ўқув топшириқ**

**Институционал иқтисодиёт фанининг усуллари**

1.Усул (метод) сўзининг мазмунини ёритиб беринг?
2. Аристотелнинг усуллар ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг?
3. Институционал иқтисодиёт фанининг усулларини санаб ўтинг?

**Эксперт вараги №3**
**Ўқув топшириқ**

1. Институционал иқтисодиёт фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги
2. Иқтисодий фанлари тизимига қандай фанлар киради?

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 2-мавзу. | Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли |
|---|---|

**2.1.Таълим бериш технологиясининг модели**

| **Машғулот вақти- 2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
|---|---|
| **Машғулот шакли** | **Маъруза-мулоқот** |
| *Маъруза режаси* | 2.1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти<br>2.2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши<br>2.3. Институционал матрица<br>2.4. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги. |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар, институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидалар тўғрисида тушунчалар, иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар, институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари, институтлар тизими хамда иерархия қоидалари талабларга етказилади | |
| ***Педагогик вазифалар*:**<br>• Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар моҳиятини очиб бериш;<br>• институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидалар тўғрисида тушунчалар мазмун моҳиятини очиб бериш;<br>• Институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари ва элементларини тушунтириш;<br>• Институтлар тизимини ёритиб бериш;<br>• Институтлар тизимини ҳақида маълумотлар бериш; | ***Ўқув фаолияти натижалари (талаба):***<br>• Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлайди;<br>• институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидаларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш имконига эга бўлади;<br>• Институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари ва элементларини талқин эта олиш кўникмаси шаклланади;<br>• Институтлар тизимини ажрата олади ва тушуниб етади;<br>• Институтлар тизими тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлайди; |
| **Таълим методлари** | Маъруза, савол-жавоб, суҳбат, ўзаро ўқитиш методи, кластер, инсерт техникалари |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, |

| | |
|---|---|
| | чизмали органайзерлар, асосий маълумот ва таянч тушунчалардан иборат маъруза матнлари (тарқатма материал). |
| **Таълим шакллари** | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

## 2.2. "Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли" мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1- босқич. Мавзуга кириш (20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, 5 саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.Баҳолаш мезонлари (1- илова).<br>1.3.БББ жадвалини тўлдириш қоидаси бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. БББ жадвали натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхисини амалга оширади (2-илова ).<br>1.4. Мавзуни жонлаштириш учун саволлар беради. (3-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар. |
| 2 - босқич. Асосий бўлим (50 мин) | 2.1.1 савол юзасидан кичик маъруза қилади.<br>2.2.Маъруза режасининг ҳамма саволлари бўйича тушунча беради. (4 - илова).<br>2.3.Маърузада берилган саволлар юзасидан умумлаштирувчи хулоса беради. (5 - илова).<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар.<br>УМКга қарайдилар<br>УМКга қарайдилар<br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| 3-босқич.<br><br>Якунловчи<br><br>(10 мин) | 1.3.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.<br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини ҳамда тезкор сўров асосида тест топшириқларини беради.<br>3.3.Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. | Саволлар берадилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

1-илова (1.2.)

**МАВЗУ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

| Муддати | Назорат шакли | Талаба баллари |
|---|---|---|
| Маъруза машғулоти дарсида | Маъруза машғулотида фаол иштирок этиш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Амалий машғулот дарсида | Амалий машғулотда индивидуал топшириқларни бажариш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Мавзу бўйича берилган топшириқларни бажариши (масалалар, инсерт усули асосида ва бошқалар) | Мавзу бўйича ёзилган ишга | 20 балл |
| Мавзу давомида мавзунинг саволлари бўйича назорат иши ва тестлар (оралиқ назорат баллари) | Маъруза машғулотларидан олинган билимларни мустаҳкамлайди ва амалиётда қўллаш учун ўзларини билимларини синаб кўради | 28 балл |
| Мавзу охирида | Тест топшириш ёки оғзаки баҳолаш | 24 балл |
| Жами: | | 100 балл |

86 % - 100% → «Аъло»
71 % - 85% → «Яхши»
55 % - 70% → «Қониқарли»
0% - 54% → «Қониқарсиз»

2 – илова (1.3.)

**1. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси.**

БЎБ (ЗХУ) жадвали- биламан/ билишни ҳоҳлайман/билдим.

- Мавзу бўйича илмий текшириш ишларини бажаришни таъминлайди. Системали фикрлаш таҳлил асослари ва структурлашни ривожлантиради.
- Янги мавзуни ўрганишдан олдин қўлланилади: биринчи ва иккинчи устунлар тўлдирилади ва сўнгра якунловчи қисмида учинчи устун тўлдирилади.

БЎБ (ЗХУ) жадвалини тўлдириш қоидалари билан танишади. Якка ҳолда ёки жуфтликда жадвални тўлдиради

“Шу мавзу бўйича сиз нималарни биласиз?”, “Нималарни билмоқчисиз?” саволларига жавоб беради.

Жадвалнинг биринчи ва иккинчи устунни тўлдиради. (якка ҳолда ёки жуфтликда)

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди, (ёки эшитади)

Учинчи устунни тўлдиради.

3-илова (1.4)

**Мавзуни жонлантириш учун блиц сўров саволлари**

1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.
2. Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?
3. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?
4. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
5. Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг ғояси нимадан иборат?
6. Норма базавий институт эканлигини изоҳланг.

4 - илова (2.2)

## 1§. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти

Институтлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Агар бир дақиқага барча институтлар йўқ бўлиб кетганлигини тасаввур қиладиган бўлсак, у ҳолда тартибсизлик бошланиб кетиб, бу ўз навбатида абадий давом этмас эди. Чунки инсонларнинг ўз ҳаётини тартибга келтиришга уринишлари янги институтларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўлар эди.

**Институт** – бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.

**Норма** – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади. Ушбу унсур: тартибни сақлаш функциясига эга; ўзаро ҳамкорликлар тизимида мажбурий хатти-ҳаракат бажарилишини талаб этади; шахслар хатти-ҳаракатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик ҳамда муқаррарликни акс эттиради; шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди.

## 2§. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши

Институтционализмнинг асосчиларидан бири Д.Норт институтлар таркибида уларни учта асосий қисмга ажратади:

- расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.);
- норасмий нормалар (анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий шартлилик);
- қоидаларга амал қилинишини таъминловчи (судлар, полиция ва ҳ.к.) мажбурлаш механизмлари (масалан, жазолаш тизими).

## 3§. Институционал матрица.

Институционал матрица социология фани доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унда социологик тушунчалардан фойдаланилади. Аммо ушбу концепция жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан иқтисодиётда ҳамда ҳуқуқий жараёнларни таҳлил қилишда қўлланилиши мумкин.

**Институционал матрица** – бу тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлишини ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи базавий ижтимоий институтлар тизими.




2.1-расм. Жамиятниг институционал матрицаси

## 4§. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Институтлар қандай ишлаётганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг "ҳаётийлиги" ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида институтлар шаклининг ўзгариши рўй беради. Агар расмий қоидаларни у ёки бу қонун, фармонни қабул қилиб ўзгартириш мумкин бўлса, анъаналар ва урф-одатларда ифодаланадиган норасмий чекловларни бир кунда ўзгартириб ёки тугатиб бўлмайди. Улар яна узоқ вақт амал қилишда ва жамият ривожига таъсир кўрсатишда давом этади.

Бироқ институционал тизимнинг ўзида доимий равишда ўзгаришларга эҳтиёж сезилиб бўлиб туради. Т.Вебленнинг таъкидлашича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик ҳисобланади.

Институционал ўзгаришлар техника тараққиёти, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, яъни улар натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари мувафақиятли фаолият кўрсатган алоҳида шакллари "фойдасиз" бўлиб қоладиган жараёнлар оқибатида юз бериши мумкин. Янги расмий нормалар ўрнига бошқалари қабул қилинади, норасмий нормаларга амал қиладиган инсонлар сони камайиб бориши билан улар аста-секин йўқолиб боради.

5-илова (1.1)

**Хулоса**

Институтлар жамият ривожланишининг барча босқичларида муҳим роль ўйнаб келган. Улар жамиятда қарорлар қабул қилиш, инсонлар ва иқтисодиёт иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи нормалардан таркиб топган расмий ва норасмий қоидалар ҳисобланади. расмий қоидалар мамлакат конституциясида, қонунларда, маъмурий ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топади. Норасмий нормалар эса урф-одат, анъаналар ва шу каби бошқа ҳаёт тарзи орқали юзага келган қоидаларда ифодаланади.

Жамият ривожланиши билан мавжуд институтлар ва улар негизини ташкил этувчи расмий ва норасмий қоидалар ҳам ўзгариб боради, такомиллашади. Бундай ўзгаришларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитлар белгилаб беради.

Институтлар ўзаро мувофиқлаштирилган тарзда ишлаши, давлат тизими фаолиятининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Институтлар фаолияти аксарият ҳолларда нормаларга боғлиқдир. Норма тушунчаси тартибни сақлаш функциясига эга бўлиб, у ўзаро ҳамкорликлик тизимида мажбурий хатти-ҳаракат бажарилишини талаб этади. Нормалар ҳамкорлик стратегияси, қоида, хусусан, норманинг ўзи каби шаклларга эга. Рационалликнинг тўлиқ, тўлиқсиз, тартиботли, асосланган, ҳаракат нормаси каби шакллари мавжуд. Ижтимоий танлаш назариясида нормаларга оқилона танлаш натижаси сифатида қаралади. Келишувлар иқтисодида эса нормалар оқилона хатти-ҳаракатнинг омили сифатида таҳлил қилинади.

## Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.

1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.
2. Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?
3. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?
4. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
5. Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг ғояси нимадан иборат?
6. Норма базавий институт эканлигини изоҳланг.
7. Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?
8. Ўзингизнинг одатий кунингизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг.
9. Институционал ўзгаришларга нималар сабаб бўлади? Эски ва янги институтлар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?
10. Расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш зарурати нима билан белгиланади?
11. Ташкилотлар институционал жараёнда қандай функцияларни бажаради?

## Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:


1. И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. –Тошкент, Ўзбекистон, 2010.
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
5. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| **2-мавзу** | **Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли** |
|---|---|

### 2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** | |
|---|---|---|
| ***Машғулот шакли*** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** | |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар<br>2. Институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидалар тўғрисида тушунчалар.<br>3. Институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари.<br>4. Институтлар тизими<br>5. Иерархия қоидалари. | |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар, институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидалар тўғрисида тушунчалар, иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар, институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари, институтлар тизими хамда иерархия қоидалари талабларга етказилади | | |
| ***Педагогик вазифалар*:** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** | |
| • Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар моҳиятини очиб бериш;<br>• институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидалар тўғрисида тушунчалар мазмун моҳиятини очиб бериш;<br>• Институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари ва элементларини тушунтириш;<br>• Институтлар тизимини ёритиб бериш;<br>• Институтлар тизимини ҳақида маълумотлар бериш; | • Иқтисодий ҳаракатлар ва ахборотлар тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлайди;<br>• институтлар, уларни функциялари, тизими ҳамда иерархик қоидаларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш имконига эга бўлади;<br>• Институтлар ва уларни иқтисодиётдаги функциялари ва элементларини талқин эта олиш кўникмаси шаклланади;<br>• Институтлар тизимини ажрата олади ва тушуниб етади;<br>• Институтлар тизими тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлайди; | |
| *Таълим бериш усуллари* | Суҳбат,тезкор-сўров, ФСМУ-техникаси | |

| | |
|---|---|
| *Таълим бериш шакллари* | Оммавий, гуруҳларда ишлаш, якка тартибли |
| *Таълим бериш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари |
| *Таълим бериш шароити* | Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

**2.2. "Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли"** мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мазмуни** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади. | |
| 1. **Кириш босқичи** *(5 дақиқа)* | 1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади.<br>1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади *(1-илова).* | Тинглайдилар. |
| **2. Асосий босқич** *(50 дақиқа)* | 2.1.Талабаларни фаоллаштириш максадида тезкор-сўров усулини қўллайди:<br>1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.<br>2. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?<br>2.2.Талабаларни 5 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга эксперт вазифаларини тарқатади ва уларнинг | Саволга жавоб берадилар.<br>Гуруҳларга бўлинади.<br>Якка тартибда |

| | | |
|---|---|---|
| | моҳияти билан таништиради. Эксперт топшириқларини “ФСМУ” техникаси асосида бажаришларини тушунтиради. *(2,3-иловалар).*<br>Аввал якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиришни таклиф қилади.<br>Талабалар фаолиятини назорат қилади, йўналтиради, маслаҳат беради. Баҳолаш мезонларини эслатади. Тақдимот бошланишини маълум қилади.<br>2.3.Бажарган ишларини такдим қилишларини сўрайди. Такдимот жараёнида талабалар фикрларини таҳлил қилади, фаол иштирокларини рағбатлантиради. | бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради.<br><br>Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва такдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошка иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради. |
| **3. Якуний босқич** *(15 дақиқа)* | 3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди.<br>3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат ва тест саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(4- иловалар).* | Эшитади.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова

***Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари***

| ***Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари*** | ***1- гуруҳ*** | ***2- гуруҳ*** | ***3- гуруҳ*** |
|---|---|---|---|
| Максимал балл – 2 | | | |
| - савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл) | | | |
| - жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл) | | | |
| - гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл) | | | |
| - берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл) | | | |
| - регламентга риоя килди (0,2) | | | |
| ***Жами: (2 балл)*** | | | |

1,5 – 2 балл - «аъло»
1,0 – 1,4 балл - «яхши»
0,5 – 0,9 балл - «коникарли»
0 - 0,4 балл - «коникарсиз»

2-илова

**Эксперт вараги №1**

**Расмий ва норасмий нормалар тушунчалари, моҳияти, аҳамияти**

1. Институтлар деганда нимани тушунасиз?
2. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
3. Институционал матрица таърифини келтиринг.

**Эксперт вараги №2**

**Норма, ўзаро ҳамкорлик тушунчалари, моҳияти, аҳамияти**

1. Норма базавий институт эканлигини изоҳланг.
2. Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?
3. Ўзингизнинг одатий кунингизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг?

**Эксперт вараги №3**

**Институционал ўзгаришлар, эски ва янги институтлар хамда, расмий ва норасмий нормалар тавсифи.**

1. Институционал ўзгаришларга нималар сабаб бўлади? Эски ва янги институтлар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?
2. Расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш зарурати нима билан белгиланади?
3. Ташкилотлар институционал жараёнда қандай функцияларни бажаради?

3-илова

***Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси***
***ФСМУ технологияси***

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қайдаражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

4-илова

## Назорат саволлари ва вазифалари:

1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.
2. Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?
3. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?
4. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
5. Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг ғояси нимадан иборат?
6. Норма базавий институт эканлигини изоҳланг.
7. Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?
8. Ўзингизнинг одатий кунингизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг.
9. Институционал ўзгаришларга нималар сабаб бўлади? Эски ва янги институтлар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?
10. Расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш зарурати нима билан белгиланади?
11. Ташкилотлар институционал жараёнда қандай функцияларни бажаради?

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 3-мавзу | ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ |
|---|---|

**3.1. Маъруза машгулотининг укитиш технологияси**

| ***Машғулот вақти*-2 соат** | ***Талабалар сони: 20-30 нафар*** |
|---|---|
| ***Машғулот шакли*** | ***Маъруза мулоқот*** |
| *Маъруза режаси* | 3.1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари<br>3.2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари<br>3.3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи |
| ***Укув машгулотининг мақсади:*** Талабаларга ўтиш даври иқтисодиётидаги институционал ўзгаришлар, жамият бошкарувидаги муҳим институтларнинг мазмун ва ташкил топиш шаклларидаги ўзгаришлар тўғрисида тушунчалар | |
| ***Педагогик вазифалар:***<br>1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчаларининг аҳамиятини тушунтириш;<br>2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўлларини таништириш;<br>3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифини бериш ва тасаввур хосил қилиш. | ***Укув фаолиятининг натижалари:***<br>1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчаларининг моҳиятини ва аҳамиятини изохдайди;<br>2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўлларига муносабат билдиради;<br>3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи тўғрисида маълумотлар беради; |
| **Таълим методлари** | Маъруза, намойиш этиш, зигзаг техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, кодоскоп, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, чизмали |
| **Таълим шакллари** | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими |

### 3.2. “Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич.<br><br>Мавзуга кириш<br>(20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.Ақлий хужум усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. Хабарлашиб ўрганиш усули натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхизини амалга оширади. (1-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар. |
| 2 - босқич. Асосий бўлим<br><br>(50 мин) | 2.1.1 Талабаларнинг эътиборини тортиш учун жонлантириш саволларини беради. (2 - илова).<br>2.2. Маъруза режасининг ҳамма саволларни тушунтиради Повер Поинт да яратилган слайдлар ёрдамида ( 3-илова).<br>2.3.Ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштирувчи хулоса беради.<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар ва жавоб берадилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич. Якунловчи<br><br>(10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқ беради<br>3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.<br>3.4. Инсерт усулидан фойдаланиб кейинги мазвуга тайёрланиб келишга топшириқ беради. | Саволлар берадилар УМКга қарайдилар.<br><br>Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

1- илова (2.1.)

## «Ақлий ҳужум» нинг асосий қоидалари:

-айтилаётган барча ғоялар бир –бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.
-киритилаётган ғоялар танқид қилинмаслиги керак.
-ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.
-сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмас.
- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «хужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

## Хабарлашиб ўрганиш усули қоидаси

1. Саволларга ўйланиб жавоб беришни сурайди.
2. Талабалар 4-5 гуруҳга ажратилади.
3. Ҳар бир гуруҳдан экспертларни аниқлашни сўрайди.
4. Экспертлар биттадан савол бўйича гурух аъзоларини таништириши керак.
5. Экспертлар варағини тарқатади ва гуруҳда ишлашни ташкил этади.
6. Экспертлар презентация қилиш кераклигини маълум қилади.
7. Маслаҳатчи ўрнида шархлайди, аниқлик киритади.

Презентацияни якунлаб, ҳар бир гуруҳга ҳар бир савол учун хулосалар қилади.

2-илова (2.2.)

**Мавзуни жонлантириш саволлари.**

1. Нима учун институционал назарияда математик аппарат неоклассикаси учун анъанавий ҳисобланган математик аппарат тилидан эмас, балки ўйинлар назариясидан фойдаланилади.
2. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
3. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларнинг хусусиятларини изоҳланг.

3- илова (3.1.)

## 1-§. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари

Неоклассиканинг «қатъий негизи»даги ўзаро ҳамкорликларни таҳлил қилишда дифференциал ҳисоблашдан фойдаланилган. Институционал иқтисодий назарияда юқоридаги тадқиқот усулини таянч усул сифатида қўллаш унчалик қулай эмас. Институционал иқтисодий назариянинг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкор(ҳаракат)лиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Институционал иқтисодиёт формал моделларни тузиш учун Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» (1944) китобидаги фикрларга асосланган *ўйинлар назариясидан* фойдаланади [47].Ушбу назариянинг ривожланиши Джон Нэш 1950 йилда киритган мувозанат вазияти тушунчаси билан боғлиқ. Бу билан нокоалицион ўйинларнинг ечиш усули ишлаб чиқилди. 1994 йилга келиб, бирданига уч тадқиқотчи “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозонатни биринчи бор таҳлил қилиб чиққанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлдилар. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жог Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ушбу тадқиқот усулининг ўзига хос асосий белгилари ичида қуйидагиларни ажратиш лозим. Биринчидан, ўйинлар назарияси индивидларнинг ўзаро шартлашилган хатти-ҳаракатлари вазиятини таҳлил қилиш билан шуғулланади: ҳар бир шартнинг ҳал этилиши ўзаро ҳамкорлик натижасига ва ўз навбатида, қолган индивидларнинг қарорларига таъсир кўрсатади. Индивид ўз ҳаракатлари масаласини ҳал этаётиб, ўзини контрагентлар ўрнига қўйиб кўриши керак. Иккинчидан, ўйинлар назарияси, мукаммал калькулятор сифатидаги индивиддан тортиб то робот сифатидаги индивидгача қатор моделлардан фойдаланган ҳолда, индивидларнинг тўлиқ рационаллигини талаб қилмайди. Учинчидан, ўйинлар назарияси ўзаро ҳамкорликлардаги мувозанатнинг мавжудлиги, ягоналиги ва Парето-оптималлигини назарда тутмайди. Ушбу сабаблар ўйинлар назарияси ёрдамида қурилган институтларнинг формал моделларига бўлган қизиқишни орттиради.

Кооператив (коалицияли) ўйинлар – бу иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин бўлган вазиятлар. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда якка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади, бунда иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин эмас. Ўйинлар асосан матрица шаклида намоён этилади. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда иштирокчилар ўзаро зиддиятли муносабатда бўладилар. Ҳар бир иштирокчи ўз ютуғини оширишга харакат қилади. Бирининг ютуғи иккинчисининг ютқизишига олиб келади. Ҳар бир ўйин иштирокчисининг зиддиятли вазиятларни ҳал этиш борасидаги харакат дастури ўйин иштирокчисининг стратегияси дейилади.

## *2- §.* Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари

Ҳар бир ўзаро ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли хиллари мавжуд бўлиши мумкин: *устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат*.

**Устун стратегияли мувозанат** – бошқа иштирокчининг ҳаракатларидан *қатъи назар иштирокчига* максимум фойдалиликни таъминловчи ҳаракатлар режаси.

**Нэш бўйича мувозанат** – ўйинчиларнинг ҳеч бири ўз ҳаракатлари режасини ўзгартирган ҳолда ўз ютуғини бир томонлама ошира олмайдиган вазият.

**Штакельберг бўйича мувозанат** – ҳеч бир ўйинчи ўз ютуғини бир томонлама тартибда ошира олмайдиган вазият. Бунда қарор дастлаб биринчи ўйинчи томонидан қабул қилинади, сўнгра иккинчи ўйинчига маълум бўлади.

**Парето бўйича мувозанат** – ўйинчилардан бирининг ҳолатини, иккинчи ўйинчининг ҳолатини ёмонлаштирмаган ҳолда, яхшилаб бўлмайдиган вазият.

## *3-§.* Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи

Ўйинлар назарияси учун бир неча таянч моделлар мавжуд. Ушбу моделлар Нэш бўйича мувозанат нуқталарининг сони билан ва уларнинг Штакельберг бўйича ва Парето бўйича мувозанат нуқталарига мос келиши ёки мос келмаслиги билан фарқ қилади. Масалан, иккита талаба томонидан учрашув жойининг танланиши вазиятини акс эттиради. Улардан ҳар бирини ё кутубхонада ёки буфетда топиш мумкин. Буфетдаги учрашув иккала талабага ҳам фойдалиликни таъминлаши назарда тутилади: улар кофе ёки бирор хил шарбат устида суҳбат ўтказишлари мумкин.

**Инсерт техникаси бўйича мавзуни ўқиб чиқинг ва жадвални тўлдиринг.**

| В | + | - | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |

**Инсерт жадвали**

Инсерт жадвали қоидаси:

**V-** олган билимига тўғри келади.
**+ -** янги маълумот
**-- -** олган билимига қарама-қарши
? – тушунарсиз (аниқланиши зарур бўлган маълумотлар)

.

**Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.**

1. Нима учун институционал назарияда математик аппарат неоклассикаси учун анъанавий ҳисобланган математик аппарат тилидан эмас, балки ўйинлар назариясидан фойдаланилади.
2. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
3. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларнинг хусусиятларини изоҳланг.
4. Устун стратегияли мувозанатни шарҳлаб беринг.
5. Нэш бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг.
6. Штакельберг бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг
7. Парето бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг.

**Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009.
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
5. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 3-мавзу | ЎЙИНЛАР НАЗАРИЯСИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ |
|---|---|

### 3.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| Машғулот вақти-2 соат | Талабалар сони: 20 –30 гача |
|---|---|
| **Машғулот шакли** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| *Амалий машғулот режаси* | 3.1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари<br>3.2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари<br>3.3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи |

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Талабаларга ўтиш даври иқтисодиётидаги институционал ўзгаришлар, жамият бошкарувидаги муҳим институтларнинг мазмун ва ташкил топиш шаклларидаги ўзгаришлар тўғрисида тушунчалар берилади.

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| 1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчаларининг аҳамиятини тушунтириш;<br>2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўлларини таништириш;<br>3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифини бериш ва тасаввур хосил қилиш. | 1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчаларининг моҳиятини ва аҳамиятини изохдайди;<br>2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўлларига муносабат билдиради;<br>3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи тўғрисида маълумотлар беради; |
| *Таълим бериш усуллари* | Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров |
| *Таълим бериш шакллари* | Оммавий, гуруҳларда ишлаш: “кооп-кооп” техникаси |
| *Таълим бериш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари |
| *Таълим бериш шароити* | Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |

| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб |
|---|---|

**3.2. "Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш" амалий машғулотнинг технологик харитаси**

| **Иш босқичлари ва вақти** | **Фаолият мазмуни** | |
|---|---|---|
| | **Таълим берувчи** | **Таълим олувчилар** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади *(1-илова)*.<br>Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун - ёзма йўриқномаларни тайёрлайди *(2-илова)*.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади *(3-илова)*. | |
| **1. Ўқув машғулотига кириш босқичи**<br>*(10 дақ)* | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлилиги ва долзарблигини асослайди.<br>1.2. Мавзу бўйича сосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради *(4-илова)*.<br>1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади *(2-илова)*. | Саволларга жавоб берадилар. |
| **2. Асосий босқич**<br>(55 дақиқа) | 2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради *(2-3-илова)*. Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида тақдимот тайёрлашини айтади.<br>2.2. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.<br>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар тақдимотини ташкиллаштиради. | Кичик гуруҳларга бўлинадилар.<br><br>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.<br><br>Фаол қатнашадилар, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.<br>2.4. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди. | Гуруҳдан сардор танлашади, унинг тақдимотида ҳамкорлик қиладилар.<br>Саволларга жавоб берадилар.<br><br>Тинглайдилар. |
| 3–Якуний босқич<br>(20 дақиқа) | 3.1.Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.<br>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(4 - илова).* | Тинглайдилар. |

1-илова

**«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ**

**Биргаликда ўқиш:** ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тўзилади.

↓

2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир *қисми,* унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.

↓

3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

↓

4. Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

↓

5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.

↓

6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

2-илова

***Гуруҳларда ишлаш қоидаси***

Шеригингизни диққат билан тингланг.
Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

3-илова

***Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари***

| **Мезонлар** | **Макс. балл** | **Гуруҳ натижаларини баҳолаш** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ахборотнинг тўлиқлиги | 1,0 | | | | | | |
| Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши | 0,6 | | | | | | |
| Гуруҳнинг фаоллиги | 0,4 | | | | | | |
| Балларнинг максимал суммаси, жами | 2 | | | | | | |

4-илова

## Назорат саволлари ва вазифалари:

1. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
2. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларнинг хусусиятларини изоҳланг?
3. Устун стратегияли мувозанатни шарҳлаб беринг?
4. Нэш бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг?
5. Штакельберг бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг?.

| 4-мавзу | РЕЖА ВА БОЗОР ИНСТИТУТИ |
|---|---|

## 4.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| *Машғулот вақти*-2 соат | Талабалар сони: 40–50 гача |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | маъруза |
| *Маъруза режаси* | 4.1. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши<br>4.2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари<br>4.3. Бозор конституцияси нормалари<br>4.4. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш<br>4.5. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш |

**Маърузанинг мақсади:** Режа институти ва унинг асосий қонуни ва унинг меъёрлари, бозор конституцияси ва сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категорияларини тушунтиришдан иборат.

| ***Педагогик вазифалар*:** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
|---|---|
| • Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши ҳақида тушунча бериш;<br>• Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари ва бозор конституцияси нормалари тўғрисида маълумотлар бериш;<br>• Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш ва тафсирлашнинг мохиятини тушунтириш; | • Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланишидаги узига хос жихатлари ва моҳиятини шарҳлаб беради;<br>• Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари ва бозор конституцияси нормалари ташкил топишининг аҳамиятини ва мазмун-моҳиятини очиб берадилар;<br>• Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш ва тафсирлашнинг мохиятини ёритиб берадилар; |
| *Таълим бериш усуллари* | Кўргазмали маъруза, суҳбат |
| *Таълим бериш шакллари* | Оммавий, жамоавий |
| *Таълим бериш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор |
| *Таълим бериш шароити* | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

## 4.2. “Режа ва бозор институти” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br><br>1.2. Инсерт техникаси усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. (1-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар. |
| 2 -босқич. Асосий бўлим<br><br>(50 мин) | 2.1.Талабаларнинг эътиборини тортиш учун жонлантириш саволларини беради.<br>( 2-илова).<br>2.2. Маъруза режасининг ҳамма саволларини тушунтиради Повер Поинт да яратилган слайдлар ёрдамида ( 3-илова).<br>2.3.Ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштирувчи хулоса беради.<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади | Тинглайдилар ва жавоб берадилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич. Якунловчи<br><br>(10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун саволлар беради. (4-илова).<br>3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. 5-илова<br>3.4. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун уч даражали тестлар рўйхатини беради. 6-илова | Саволлар берадилар<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

1-илова (1.1)

**Инсерт техникаси бўйича мавзуни ўқиб чиқинг ва жадвални тўлдиринг.**

| В | + | - | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |

**Инсерт жадвали**

Инсерт жадвали қоидаси:

**V-** олган билимига тўғри келади.

**+ -** янги маълумот

**-- -** олган билимига қарама-қарши

? – тушунарсиз (аниқланиши зарур бўлган маълумотлар)

2-илова (2.1.)

**Мавзуни жонлантириш саволлари.**

1. Режа институти ва унинг асосий қонуни тушунтиринг?
2. Бозор конституциясини тушунтиринг?
3. Сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категорияларини изохланг?

3-илова (2.3.)

## 1-§. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши.

Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизими **иқтисодиёт конституцияси** дейилади. Иқтисодиёт конституцияси буйруқбозлик ва бозор тизимларида ўзаро зид нормаларга амал қилади. Масалан, бозор тизими фақат индивидлар ўзларининг кундалик иқтисодий фаолиятида у асосланадиган нормалардан фойдаланган даражага қараб барқарор ва такрор ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи индивидлар ўртасидаги битимлардан макроиқтисодий даражага ўтиш бозор хатти-ҳаракатлари нормалари орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, буйруқбозлик ва бозор тизимларида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

**Иқтисодиёт конституциялари нормаларининг гуруҳланиши**

| **Бозор конституцияси** | **Буйруқбозлик иқтисодиёти конституцияси** |
|---|---|
| Мураккаб утилитаризм | Оддий утилитаризм |
| Рационал мақсадли феъл-атвор | Мафкуравий қадрият рационаллиги |
| Деперсонификацияланган ишонч | Персонификацияланган ишонч |
| Эмпатия | «Сен – менга, мен - сенга», |
| Ижобий маънода эркинлик | |
| Қонунга ихтиёрий бўйсуниш | Қонунга тилда буйсуниш |

## *2-§.* Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормал ҳолатлари учун зарур бўлган нормалардан бири оддий утилитаризм ҳисобланади. Бунда индивид томонидан ўз фойдалилигини оширилиши ўзига хос равишда намоён бўлади. Яъни, **оддий утилитаризм** - индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.

Иккинчи унсури тўлиқсиз рационал фаолият билан изоҳланади. Бунда, биринчи навбатда ахборотнинг чекланганлиги ва тўлиқсизлиги билан шартланган тўлиқсиз рационаллик тушунилади.

## *3-§.* Бозор конституцияси нормалари

*Бозор конституцияси* – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади. Бозорлардаги барқарор мувозанат бозор нормаларидан фойдаланишнинг натижаси ҳисобланади Бозор конституциясининг асосида ётувчи биринчи норма – *мураккаб утилитаризм* нормаси бўлиб, у нафақат индивидни ўзининг фойдалилигини оширишга йўналтиришни, балки унинг олинадиган фойда билан ўзининг самарали фаолияти ўртасидаги алоқани англаб етишини назарда тутади.

**мураккаб утилитаризм** – индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир. Бозор конституциясининг яна бир нормаси эмпатия бўлиб, бунда индивид ўзини контрагент ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизиқишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат қилади.

4-илова (2.2.)

## Ўз- ўзини назорат қилиш саволлари

1. Иқтисодиёт конституцияси тушунчасининг моҳиятини шарҳланг.
2. Агар буйруқбозлик иқтисодиёти ҳатто сурункали тақчиллик мавжуд бўлганда ҳам барқарор ҳолатда турувчи тизимни ўзида намоён этган бўлса, у ҳолда ўтиш иқтисодиётининг туб беқарорлигининг сабаблари нимада?
3. Буйруқбозлик иқтисодиётининг унсури ҳисобланган утилитаризм нормаси утилитаризмнинг бозор нормасидан нима билан фарқ қилади?
4. Американлик машҳур сиёсатшунос ва иқтисодчи Фрэнсис Фукуяма ўзининг сўнгги китобларидан бирида бозор иқтисодиётидаги кўтарилиш ва пасайишларни унинг субъектлари ўртасидаги ишонч орқали кўриб чиқади. Бундай ёндашув қанчалик асосли?
5. Ҳуқуқий анъаналардаги асосий ҳуқуқларнинг фарқланиш хусусиятларини изоҳланг.
6. Лизинг мисолида битим иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоялаш ва ижарага бериладиган мол-мулкдан самарали фойдаланишга ундаш нуқтаи назаридан фуқаролик ҳуқуқига нисбатан умумий ҳуқуқнинг устунлигини кўрсатинг.
7. Бир буюмнинг бир неча эгаси бўлиши мумкинми? Бир неча мулкдорларнинг мавжуд бўлиши буюмдан самрали фойдаланишга тўсқинлик қиладиган шарт-шароитларни кўрсатиб беринг.

5-илова (2.3)

## Мавзуга оид адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009.
2. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
3. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
4. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
5. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

## 2.3. “Режа ва бозор институти” мавзуси бўйича семинар машғулотини олиб бориш технологияси (2-соат)

| | |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот<br>Талабалар сони – 25 та |
| *Амалиёт режаси* | 1. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши.<br>2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари.<br>3. Бозор конституцияси нормалари.<br>4. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.<br>5. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Режа институти ва бозор институтининг ижтимоий-иктисодий жихатдан асослаб уларнинг амалий аҳамиятини тушунтириш. | |
| *Педагогик вазифалар:* | Талабаларга курс бўйича тўлиқ тушунчалар бериш, уларни билимларини синаш |
| Ўқитиш воситалари | Маъруза матни, компьютер слайдлари, доска эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш. |
| Ўқитиш усуллари-техникаси | Амалий машгулот, топшириқлар, амалий ишлаш усули, сухбат гуруҳларда ишлаш усули. Баҳс мунозара усули. Чархпалак |
| Ўқитиш шакллари | индивидуал, гуруҳ |
| Ўқитиш шароити | Техник воситалар билан таъминланган, гурухларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория. |
| Мониторинг ва баҳолаш | оғзаки саволлар, блиц-сўров |

**Режа ва бозор институти мавзуси бўйича семинар машғулотининг технологик харитаси**

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич (20 мин) | 1.1Ўқув машғулоти саволларни таҳлил қилади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова).<br>1.3. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади.(2-илова).<br>1.4.Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимлари жонлантирилади | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар.<br>Топшириқлар билан танишадилар<br>Жавоб берадилар |
| 2 - босқич Асосий бўлим. (50 мин) | 2.1.Топшириқларни аниқлайди ва гуруҳда ишлашни ташкил этади. Ечимни текширади ва баҳолайди. (3-илова).<br>2.2.Топшириқлар мазмунини тушунтиради ва бажариш бўйича маслаҳатлар беради. | 2 та кичик гуруҳга ажраладилар. Топшириқда келтирилган саволларга 1-2 жавоб тайёрлайди. Презентацияни амалга оширадилар. |
| 3-босқич. Якун ловчи (10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.<br>3.2.Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.<br>3.3.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар беради. | Саволлар берадилар<br>УМКга қарайдилар. |

1-илова (2.3)

**Баҳолаш мезони:**

2,6-3,0 балл- «аъло»
2,5- 2,0 балл - «яхши»
1,6-2,0 балл- «қониқарли»
0- 1,5 балл- «қониқарсиз»

2-илова.(2.3.)

**1- топшириқ**

1. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари тушунчаси.
2. Бозор конституцияси нормалари тушунчаси

**2- топшириқ**

3. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий мохияти.
4. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш.

3-илова (2.3)

**Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учра-маслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билишлари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **5-МАВЗУ.** | **ТРАНСАКЦИЯ ВА ТРАНСАКЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ** |

(маъруза – 2 соат, амалий -2 соат)

### 5.1. Маърузани олиб бориш модели

| | |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | Муаммоли<br>Талабалар сони – 40-50 та |
| *Маруза режаси* | 5.1. Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши<br>5.2. Коуз теоремаси<br>5.3. Трансакция харажатлари |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*. Трансакция ва трансакция харажатлари тушунчасининг илмий-назарий ва амалий аҳамияти ҳақида тўлиқ тушунча бериш**.** | |
| *Педагогик вазифалар:* | *ўқув фаолияти натижалари:* |
| Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши ҳақида умумий тушунча ва уларнинг таснифланишини айтиб бериш. | Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши ҳақида умумий тушунчаларни ва уларнинг таснифланишини тушунтириб бера оладилар. |
| Коуз теоремасининг илмий-назарий ахамияти ва унинг амалда кулланилишини тушунтириш. | Коуз теоремасининг илмий-назарий ахамияти ва унинг амалда кулланилишини тушуниб биладилар. |
| Трансакция харажатлари тушунчасининг мохияти ва ахамиятини хамда турлари ва таркибини тушунтириб бериш. | Трансакция харажатлари тушунчасининг мохияти ва ахамиятини хамда турлари ва таркибини тушунтириб берадилар. |
| Ўқитиш воситалари | маъруза матни, компьютер слайдлари, доска |
| Ўқитиш усуллари техникаси | маъруза, ақлий хужум техникаси Зиг-заг , хабарлашиб ўрганиш усули, Инсерт техникаси |
| Ўқитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| Ўқитиш шароити | компьютер, мультимедия проектор |
| Мониторинг ва баҳолаш | Тест, оғзаки саволлар, блиц-сўров |

**“Трансакция ва трансакция харажатлари” мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич.<br><br>Мавзуга кириш (20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.БББ жадвалини тўлдириш қоидаси усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси усули натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхисини амалга оширади. (1-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар |
| 2 - босқич. Асосий бўлим<br><br>(50 мин) | 2.1. Талабаларнинг эътиборини тортиш учун жонлантириш саволларини беради.(2-илова).<br>2.2. Маъруза режасининг ҳамма саволларни тушунтиради Поwер Поинт да яратилган слайдлар ёрдамида ( 3-илова).<br>2.3.Ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштирувчи хулоса беради.<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич. Якунловчи<br><br>(10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлигини маълум қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун саволлар беради. (4-илова).<br>3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. | Саволлар берадилар<br>УМКга қарайдилар<br><br>Мустақил ўрганиш учун саволларни ёзиб оладилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

(1-илова). (3.1)

**1. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси.**

БЎБ (ЗХУ) жадвали-биламан/ билишни хоҳлайман/билдим.

- Мавзу бўйича илмий текшириш ишларини бажаришни таъминлайди. Системали фикрлаш таҳлил асослари ва структурлашни ривожлантиради.
- Янги мавзуни ўрганишдан олдин қўлланилади: биринчи ва иккинчи устунлар тўлдирилади ва сўнгра якунловчи қисмида учинчи устун тўлдирилади.

БЎБ (ЗХУ) жадвалини тўлдириш қоидалари билан танишади. Якка ҳолда ёки жуфтликда жадвални тўлдиради

“Шу мавзу бўйича сиз нималарни биласиз?”, “Нималарни билмоқчисиз?” саволларига жавоб беради.

Жадвалнинг биринчи ва иккинчи устунни тўлдиради (якка ҳолда ёки жуфтликда)

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди (ёки эшитади)

Учинчи устунни тўлдиради.

2- илова (3.1)

**Мавзуни жонлаштириш саволлари.**

1. Мулкчилик ҳуқуқининг бўлинишини назарда тутувчи умумий ҳуқуқ талқинида фуқаролик ҳуқуқи концепциясига нисбатан мулкчилик концепциясининг иқтисодий устунликлари нимадан иборат?
2. Коуз теоремасининг мазмуни шарҳланг.
3. «Рекомбинацияланган» ва «чигаллашиб кетган» мулк тушунчалари қандай изоҳланади.
4. Коуз теоремаси қандай амалий аҳамиятга эга?
5. Мулкчилик ҳуқуқларини у ёки бу тарзда тақсимлаш билан боғлиқ бўлган «даромад самараси»ни муҳокама этишда қандай омилларни эътиборга олиш лозим?

3-илова (3.1.)

## 1-§. Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши

Мамлакатимизда давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, айниқса мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган «ўзбек модели»га асос солинди. Йирик давлат корхоналарини хусусийлаштириш Давлат дастурига мувофиқ ОАЖ доирасида мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашнинг турли вариантлари назарда тутилди. Масалан, меҳнат жамоасининг аъзолари акциялар умумий суммасида маълум (10) фоиз миқдорида, лекин ҳар бир ходимга кўпи билан энг кам иш ҳақининг белгиланган (20 ёки 25) баравари суммасида имтиёзли (овоз бермайдиган) акцияларни олиш ҳуқуқига эга бўлишди. Натижада, мулкчилик субъектлари ва ҳуқуқларининг тақсимланиши руйберди (5.1.-жадвал).

Мулкчилик ҳуқуқларининг жадвалдаги тақсимланиши бирламчи тақсимот босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда, яъни ҳуқуқларнинг ҳар бири ундан самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган мулкдорнинг қўлида бўлган вазиятда мулкнинг оптимал таркибига эришиш муҳим ўрин тутади. У ёки бу имкониятли мулкдорнинг мулкчилик ҳуқуқларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритишда Коуз теоремаси асос бўлиб хизмат қилади.

5.1.-жадвал

**Мулкчилик субьектлари бўйича ҳуқуқларининг тақсимланиши**

| Ҳуқуқларга эга бўлиш | Мулкчилик ҳуқуқи субъектлари | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Акциядор, корхона ходими | Акциядорлар йиғилиши (меҳнат жамоаси) | Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси | Давлат мулки қўмитаси |
| Эгалик қилиш ҳуқуқи | | + | | |
| Фойдаланиш ҳуқуқи | + | | | |
| Тасарруф этиш ҳуқуқи | | | + | |
| Топшириш ҳуқуқи | + | | | + |
| Қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқи | | + | | |
| Хавфсизлик ҳуқуқи | + | | | + |
| Мерос бўйича ашёнинг ўтиши ҳуқуқи | + | | | |
| Муддатсизлик | + | | | |
| Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи | | | | + |
| Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик | + | + | | |
| Қолдиқ хусусияти | | + | | |

## 2-§. Коуз теоремаси.

Коуз теоремасининг асосий қоидалари Р.Коуз томонидан «Алоқа федерал комиссияси» (1959) ва «Ижтимоий харажатлар муаммоси» (1960) мақолаларида ифодаланган, лекин Коузнинг ўзи теорема атамасини ишлатмаган. Р.Коуз қоидаси қисқа тарзда қуйидагича ифодаланади: мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлаш бозор механизми асосида кечади ва у ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматининг ошишига олиб келади, демак, якуний натижа ҳуқуқий қарорга боғлиқ эмас. **Коуз теоремаси**нинг тўлиқ мазмуни шундай ифодаланади:

Агар мулкчилик ҳуқуқлари аниқ тафсирланиб, трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, у ҳолда, агар даромад самарасидан фикрни бошқа томонга бурсак, мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланишидаги ўзгаришлардан қатъи назар, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгармасдан қолади.

1960 йилда Р.Коуз “Социал чегирмалар муаммоси” номли ишида ташки самаралар муаммосига эътибор каратади. Бу муаммонинг туб мохияти шундан иборатки, бозорнинг исталган хар кандай иштирокчиси бошка иктисодий субъектга зиён (ёки аксинча ютук) келтириши мумкин. Натижада, жамиятда ресурсларнинг самарасиз таксимланиши, товарларни қайта ишлаб чиқариш ва тугалланмаган товарларни ишлаб чиқариш муаммоларини келтириб чиқади.

Айтайлик, бир завод дарё сувини ифлослантиряпти. Бу эса балиқ ови билан тирикчилик қиладиган қишлоқ аҳолисининг шароитини ёмонлашишига олиб келади. А.Пигу нуқтаи назарида кўриладиган чегирма ва даромадни тенглаштириш учун “экология солиғи” ни жорий этиш зарур деб ҳисоблайди. Р.Коуз фикрича, бундай ёндашув ҳеч қандай самарадорлик принципларига мос келмайди.

Коуз теоремасининг яна бир хусусияти шундаки, теоремани исботлаш учун мулкий хуқуқларнинг алмашинуви бўйича аниқ амалий мисоллардан фойдаланилган. Масалан, икки фермернинг икки яйловдаги мулкий хуқуқларининг ўзгариши бўйича айрим вазиятлар таҳлилини чуқурлаштириш керак бўлади. Хусусан, биринчи фермер ўз яйловига бориши учун бошқа фермернинг яйловидан ўтишга тўғри келса, бундай вазият (пода ўтган йўлакда бошқа фермер яйловининг пайхон бўлиши ёхуд моллар сонининг кўпайиши)да ўзаро қўшимча келишувларни тақозо этади. Яна бир бошқа мисол сифатида бир хонада ўтирадиган иккита ходим (кашанда ва сигарет тутуни меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этадиган шахс)нинг ўзаро келишувини ташкил этишни келтириш мумкин.

Коуз теоремасини кўриб чиқиш ҳуқуқларни мулкдорлар фойдасига энг самарали тарзда қайта тақсимлаш жараёнида ўрин тутади. Мамлакатимизда ҳуқуқларни қайта тақсимлаш жараёни деярли ҳуқуқларни дастлабки тафсирлашдан сўнг дарҳол бошланди. Яъни, давлат корхоналари хусусийлаштирилиб, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Бунда акциялар ё корхона ишчилари ва маъмуриятининг, ёки ташқи инвесторнинг қўлига ўтди. Акциядорлик жамиятларига айлантирилган йирик корхоналарнинг аксариятида давлат, ташқи инвестор назорати амал қилади.

Бошқача айтганда, мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлашнинг аввалги босқичида аксарият корхоналарга эгалик қилиш ҳуқуқи меҳнат жамоасининг қўлидан давлат, маъмурият ва кам ҳолларда ташқи сармоядор қўлига ўтди.

Чунки, давлат мулкини ўзгартириш йўли билан ташкил этилган акциядорлик жамиятларида ҳуқуқларни тақсимлаш анча мураккаб кечади. Ушбу корхоналарда юзага келган мулкчилик муносабатларини таърифлаш учун борган сайин «қайта гуруҳлашган» (Д.Старк) ёки «чигаллашиб кетган» (Б.Шаванс) мулк атамалари кўпроқ ишлатилмоқда. Қайта гуруҳлашган мулк деганда қонун билан мустаҳкамланган ва реал мулкчилик ҳуқуқларининг мос келмаслиги, назорат механизмлари ва корхонанинг ташкилий чегараларининг «йўқотилганлиги» тушунилади.

## 3-§. Трансакция харажатлари ва уларнинг турлари.

Трансакцион чегирмалар назариясининг асослари инглиз иқтисодчиси Рональд Коузнинг “Фирмалар табиати” (1937), мақоласида ифодаланган. Шунга ўхшаш ғояларни Ф.Найтнинг “Риск, ноаниқлик ва даромад” ва биринчи марта “трансакция” терминини ишлатган Дж. Коммонснинг ишларида топиш мумкин. Коуз таклиф этган консепция 1970-80 йилларда кенг ривож топди. 1991 йилда Р.Коуз фирмалар назариясини (Коуз теоремаси) ишлаб чиқганлиги учун Нобел мукофоти сохиби бўлди.

Р.Коуз ўзининг “Фирмалар табиати” номли ишида нима учун бозорда фирмалар қайғуришади (чўчишади, безовталанади) деган саволни қўяди. У ёзади, бозор принципи индивидларнинг ўзаро алоқадорлиги натижасида иқтисодий фаолият чегирмаларини оширадиган бир қатор муаммоларни келтириб чиқади. Бу чегирмалар ўз таркибига бажарилган ишлар бўйича харажатларни, хамкорликни излаш, мулоқот олиб бориш, шартномаларни тузиш, алоқаларни мустахкамлаш ва б. Харажатларни олади. Шу каби харажат турларини Коуз битта “трансакция чегирмалари” тушунчасига бирлаштиради.Бу харажатларни минималлаштириш мақсадида инсонлар ва фирмалар ташкиллашади. Бу эса трансакция чегирмалари улушини пасайтиради.

**Трансакция харажатлари** – бу мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлардир.

5.2.-жадвал

**Трансакция ҳаражатларининг таснифланиши**

| *ex ante* харажатлари | *ex port* харажатлари |
|---|---|
| **Ахборотни қидириб топиш харажатлари** - имкониятли шерик ҳақидаги, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга киритиладиган тўлиқсиз ва номукаммал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади. | **Мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари** - битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларнинг бажарилишидан бош тортилишини олдини олиш харажатлари |
| **Мулоқот юритиш харажатлари** -алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади<br>**Ўлчаш харажатлари** - битим предмети бўлган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш учун зарур бўлган харажатлар | **Тафсирлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари** - судлар, ҳакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфлари, шунингдек мулкчилик ҳуқуқларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз ҳимоядан кўрилган йўқотишлар |
| **Шартнома тузиш харажатлари** - битимни юридик ёки хуфёна (норасмий) расмийлаштириш харажатлари | **Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари** - учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинадиган фойдали самара қисмига эътирозларидан ҳимоялаш харажатлари |

## Ўз ўзини назорат қилиш саволлари

1. Трансакция тушунчаси ва уларнинг турлари
2. “Коуз Теоремаси” ва мулкий ҳуқуқ назарияси.
3. Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши
4. Ноль даражага эга трансакция харажатларининг омилларидан келиб чиқувчи Коуз теоремаси қандай амалий аҳамиятга эга?

## Мавзуга оид адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент., «Адолат», 2009 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлар тўплами. №6, 15-сон. Тошкент., «Адолат». 1993 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодекси. Тошкент., «Адолат», 2008 йил.
4. Каримов И.А.Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. //Маҳалла газетаси, 2009-йил 6-декабр 49-сони
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Ўзбекистон овози газетаси, 2010 йил 13-ноябр 132-сони.
6. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009
7. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
8. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
9. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
10. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

| 5-мавзу | ТРАНСАКЦИЯ ВА ТРАНСАКЦИОН |
|---|---|

**5.2. Семинарда таълим технологияси**

| **Ўқув соати: 2 соат** | **Талабалар сони: 20-30 нафар** |
|---|---|
| **Ўқув машғулотининг шакли** | Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш машғулоти |
| **Мавзу режаси** | 1. Мулкдорлар ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши.<br>2. Коуз теоремаси.<br>3. Трансакция харажатлари. |
| **Машғулотнинг мақсади:** Трансакция ва унинг харажатлари, харажатлар турлари ва таркиби уларни сон жиҳатдан баҳолаш масалалари. Трансакция.Трансакцион харажатлар.Трансакцион харажатларнинг турлари ва уларни минималлаштириш воситалари.Трансакцион харажатларни сон жиҳатидан баҳолаш улардан оқилона фойдаланишни ёритишдан иборат, | |
| **Педагогик вазифалар:**<br>• Трансакция тушунчаси, таснифи, тавсифи, моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш;<br>• харажатлар турлари ва таркиби уларни сон жиҳатдан баҳолаш масалаларини ёритиб бериш;<br>• Трансакцион харажатлар тушунчасини ёритиб бериш;<br>• Трансакцион харажатларнинг турлари ва уларни минималлаштиришни тушунтириб бериш;<br>• Трансакцион харажатларни сон жиҳатидан баҳолаш улардан оқилона фойдаланишни тушунтириб бериш; | **Ўқув машғулотининг натижалари:**<br>• Трансакция тушунчаси, таснифи, тавсифи, моҳияти ва аҳамиятини изохлайди;<br>• харажатлар турлари ва таркиби уларни сон жиҳатдан баҳолаш масалаларини тушунтиради;<br>• Трансакцион харажатлар тушунчасини тушунтиради;<br>• Трансакцион харажатларнинг турлари ва уларни минималлаштиришни тушунтиради;<br>• Трансакцион харажатларни сон жиҳатидан баҳолаш улардан оқилона фойдаланишни тушунтиради; |
| **Таълим методлари** | Суҳбат,тезкор-сўров, ФСМУ-техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, ўқув материаллари, компьютер |

| | |
|---|---|
| | технологиялари. |
| **Таълим шакллари** | Фронтал, гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**5.1.2. “Трансакция ва трансакцион харажатлар”**

мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мазмуни** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади. | |
| 1. **Кириш босқичи** *(5 дақиқа)* | 1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади.<br>1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади *(1-илова).* | Тинглайдилар. |
| **2. Асосий босқич** *(50 дақиқа)* | 2.1.Талабаларни фаоллаштириш максадида тезкор-сўров усулини қўллайди:<br>1.трансакция деб нимага айтилади?<br>2.транцакция харажатларига мисоллар келтиринг?<br>2.2.Талабаларни 5 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга эксперт вазифаларини тарқатади ва уларнинг моҳияти билан таништиради. Эксперт топшириқларини “ФСМУ” техникаси асосида бажаришларини тушунтиради. *(2,3-иловалар).* | Саволга жавоб берадилар.<br>Гуруҳларга бўлинади.<br>Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни |

| | | |
|---|---|---|
| | Аввал якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиришни таклиф қилади.<br>Талабалар фаолиятини назорат қилади, йўналтиради, маслаҳат беради. Баҳолаш мезонларини эслатади. Тақдимот бошланишини маълум қилади.<br>2.3.Бажарган ишларини такдим қилишларини сўрайди. Такдимот жараёнида талабалар фикрларини таҳлил қилади, фаол иштирокларини рағбатлантиради. | танлаб, формат қоғозига кўчиради.<br><br>Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва такдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошка иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради. |
| **3. Якуний босқич** *(15 дақиқа)* | 3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди.<br>3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади. | Эшитади.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

1-илова

***Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари***

| *Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари* | *1- гуруҳ* | *2- гуруҳ* | *3- гуруҳ* |
|---|---|---|---|
| Максимал балл – 2 | | | |
| - савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл) | | | |
| - жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл) | | | |
| - гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл) | | | |
| - берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл) | | | |
| - регламентга риоя килди (0,2) | | | |
| ***Жами: (2 балл)*** | | | |

1,5 – 2 балл - «аъло»
1,0 – 1,4 балл - «яхши»
0,5 – 0,9 балл - «коникарли»
0 - 0,4 балл - «коникарсиз»

2-илова

**Эксперт вараги №1**
**Транцакция харажатларини аниқлаш**

1. трансакция деганда нимани тушунасиз?
2. транцакция харажатларининг таркибини айтинг?
3. транцакция харажатларига мисоллар келтиринг?

**Эксперт вараги №2**
**Коуз теоремасини тушунтиринг**

1.Коуз теоремасининг мохиятини айтинг?
2.Транцакция чегирмалари нима, қандай аниқланади?
3. транцакция харажатларининг таркибини айтинг?

3-илова

***Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси***
***ФСМУ технологияси***

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

## Назорат учун саволлар.

1. Трансакция харажатлари.
2. Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи.
3. Трансакция харажатларини таснифлаш.
4. Трансакция харажатлари ва институтлар.
5. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси.
6. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.
7. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар.
8. Инглиз-саксония ва рум-немис ҳуқуқий анъаналари.
9. Мулкчилик ҳуқуқлар тўплами сифатида.

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 6-мавзу | ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ |
|---|---|

**6.1. Маъруза машгулотининг укитиш технологияси**

<table>
<tr><td>Машғулот вақти-2 соат</td><td colspan="2">Талабалар сони: 40–50 гача</td></tr>
<tr><td>Машғулот шакли</td><td colspan="2">Кириш-ахборотли маъруза</td></tr>
<tr><td>Маъруза режаси</td><td colspan="2">6.1. Қонунга бўйсуниш баҳоси<br>6.2. Хуфёна иқтисодиёт таркиби<br>6.3. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари<br>6.4. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида</td></tr>
<tr><td colspan="3">Укув машгулотининг мақсади: талабаларга хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларини, хамда хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини тушунтиришдан иборат.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Педагогик вазифалар:<br>Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларини тушунтириш;<br>Хуфёна иқтисодиёт таркиби, кўлами ва уларнинг кўрсаткчилари тўғрисида маълумотлар бериш;<br>Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини тушунтириш;<br>Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатларини тушунтириш.</td><td>Укув фаолиятининг натижалари:<br>Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларининг аҳамиятини изохлайди;<br>Хуфёна иқтисодиёт таркиби, кўлами ва уларнинг кўрсаткчиларига муносабат билдиради;<br>Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини тушунади;<br>Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатларини тушунади.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш усуллари</td><td>Блиц сўров”, “Ақлий хужум”, “Маъруза-суҳбат” усуллари.</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш шакллари</td><td>Оммавий, жамоавий</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш воситалари</td><td>Ўқув қўлланма, проектор</td></tr>
<tr><td colspan="2">Таълим бериш шароити</td><td>ЎТВ билан ишлашга</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мониторинг ва баҳолаш</td><td>Оғзаки назорат: савол-жавоб</td></tr>
</table>

**“Хуфёна иқтисодиёт” маъруза машгулотининг технологик харитаси**

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич. Мавзуга кириш (20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси, 5 саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.4.Баҳолаш мезонлари (1- илова).<br>1.3.БББ жадвалини тўлдириш қоидаси бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. БББ жадвали натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхисини амалга оширади (2-илова ).<br>1.4. Мавзуни жонлаштириш учун саволлар беради. (3-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар. |
| 2 - босқич. Асосий бўлим (50 мин) | 2.1.1 савол юзасидан кичик маъруза қилади.<br>2.2.Маъруза режасининг ҳамма саволлари бўйича тушунча беради. (4 - илова).<br>2.3.Маърузада берилган саволлар юзасидан умумлаштирувчи хулоса беради. (5 - илова).<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар.<br>УМКга қарайдилар<br>УМКга қарайдилар<br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич. Якунловчи (10 мин) | 1.5.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.<br>3.2.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини ҳамда тезкор сўров асосида тест топшириқларини беради.<br>3.3.Кейинги мазву бўйича тайёрланиб келиш учун саволлар беради. | Саволлар берадилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

1-илова (1.2.)

# МАВЗУ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

| Муддати | Назорат шакли | Талаба баллари |
|---|---|---|
| Маъруза машғулоти дарсида | Маъруза машғулотида фаол иштирок этиш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Амалий машғулот дарсида | Амалий машғулотда индивидуал топшириқларни бажариш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Мавзу бўйича берилган топшириқларни бажариши (масалалар, инсерт усули асосида ва бошқалар) | Мавзу бўйича ёзилган ишга | 20 балл |
| Мавзу давомида мавзунинг саволлари бўйича назорат иши ва тестлар (оралиқ назорат баллари) | Маъруза машғулотларидан олинган билимларни мустаҳкамлайди ва амалиётда қўллаш учун ўзларини билимларини синаб кўради | 28 балл |
| Мавзу охирида | Тест топшириш ёки оғзаки баҳолаш | 24 балл |
| Жами: | | 100 балл |

86 % - 100% → «Аъло»
71 % - 85% → «Яхши»
55 % - 70% → «Қониқарли»
0% - 54% → «Қониқарсиз»

**1. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси.** 2 – илова (1.3.)

БЎБ (ЗХУ) жадвали- биламан/ билишни ҳоҳлайман/билдим.

- Мавзу бўйича илмий текшириш ишларини бажаришни таъминлайди. Системали фикрлаш таҳлил асослари ва структурлашни ривожлантиради.
- Янги мавзуни ўрганишдан олдин қўлланилади: биринчи ва иккинчи устунлар тўлдирилади ва сўнгра якунловчи қисмида учинчи устун тўлдирилади.

БЎБ (ЗХУ) жадвалини тўлдириш қоидалари билан танишади. Якка ҳолда ёки жуфтликда жадвални тўлдиради

"Шу мавзу бўйича сиз нималарни биласиз?", "Нималарни билмоқчисиз?" саволларига жавоб беради.

Жадвалнинг биринчи ва иккинчи устунни тўлдиради. (якка ҳолда ёки жуфтликда)

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди, (ёки эшитади)

Учинчи устунни тўлдиради.

3-илова (1.4)

**Мавзуни жонлантириш учун блиц сўров саволлари**

1. Қонунга бўйсуниш баҳоси деганда нима тушунилади?
2. Хуфёна иқтисодиёт таркибини айтинг?
3. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатларини тушунтиринг?
4. Хуфёна бозор институционал тизим эканлигини тушунтиринг?
6.Ушбу курсни ўқиган талаба нималарни билиши керак?

4 - илова (2.2.)

**1§. Қонунга бўйсуниш баҳоси**

Иқтисодий фаолиятни хуфёна амалга ошириш биринчи навбатда қонун доирасидаги ҳаракат билан яъни, юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш харажатлари ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади. Де Сото ушбу харажатларни «қонунга бўйсуниш нархи» дея таърифлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қонундан фойдаланиш харажатлари (юридик шахсни рўйхатга олиш, лицензия олиш, банкда ҳисобварақлар очиш, юридик манзилга эга бўлиш ва бошқа расмиятчиликларни бажариш харажатлари);

- қонун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (солиқларни тўлаш; меҳнат муносабатлари соҳасида қонун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошкора суд тизими доирасида

## 2§. Хуфёна иқтисодиёт таркиби

**Хуфёна иқтисодиёт** учта унсурдан таркиб топади: норасмий, соҳта ва криминал иқтисодиёт.

**Норасмий иқтисодиёт** – иқтисодий фаолиятнинг ошкора турлари, унда харажатларни пасайтириш мақсадида товарлар ва хизматларнинг қайд этилмаган тарзда ишлаб чиқарилиши ўрин тутади (яна бир бор таъкидлаш лозимки, давлатдан яшириладиган барча фаолият турлари ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солиниши мумкин эмас ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашнинг муқобил механизмлари қўлланилишини талаб қилади).

**Соҳта иқтисодиёт** - қўшиб ёзишлар, чайқовчилик битимлари, порахўрлик ва пулни олиш ҳамда бериш билан боғлиқ ҳар хил товламачилик ҳаракатлари иқтисодиёти.

**Криминал иқтисодиёт** - қонуннинг (биринчи навбатда – Жиноий ва Фуқаролик кодексларининг) тўғридан-тўғри бузилиши ва мулкчиликнинг қонуний ҳуқуқларига тажовуз қилиш билан боғлиқ

## 3§. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари.

Ижобий оқибатлар жумласига, хуфёна хўжалик фаолиятининг барқарорлаштирувчи ролини киритиш лозим. Ушбу барқарорлаштирувчи роль айниқса буйруқбозлик иқтисодиёти шароитида яққол намоён бўлади. «Дастлабки иқтисодиёт» қондира олмайдиган талаб хуфёна иқтисодий фаолият соҳасидаги маҳсулот ва хизматлар учун барча нарсаларни ҳазм қилувчи бозорни барпо этади. Ривожланаётган мамлакатларда хуфёна секторнинг катта ўлчамлари ишлаб чиқаришдаги пасайишлар ва жаҳон бозорларидаги тангликларни юмшатиш имконини беради. Тангик даврларида хуфёна сектор меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг пасайиши ҳисобидан бандликни аввалги даражада сақлаб туришга қодир: хуфёна корхона фаолият кўрсатишининг асосида ижтимоий (оилавий-қариндошчилик, уруғчилик, миллий) алоқаларни қайта тиклаш ётади. Бундай қайта тиклаш мантиқига мувофиқ ишдан бўшатишга йўл қўйиш – ижтимоий алоқаларнинг бузилиши демакдир. **Иккинчидан,** хуфёна секторнинг мавжуд бўлиши ошкора бозорга кириш харажатлари юқори бўлганлиги туфайли унга талаб бўлмай қолган тадбиркорлик салоҳиятини амалга ошириш имконини беради. Масалан, Лимада кўча савдогарлари фойдаланадиган сотув стратегиялари юқори харажатлар асосида маркетинг ва нархни шакллантиришнинг энг яхши намуналарига савдо корхоналарининг сиёсатига қараганда жуда яқин.

Шунга қарамай, иқтисодиётнинг ошкора ва хуфёна секторларининг параллел равишда мавжуд бўлиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишга салбий таъсир ҳам кўрсатади. Хуфёна секторда техника билан қайта жиҳозлашнинг фойдасизлиги туфайли техник тараққиёт тўхтаб қолади ва умуман меҳнат унумдорлиги пасаяди. Ошкора иқтисодиётда қолган иқтисодий субъектларга солиқ юки кўпаяди: давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар харажатлари кам сонли солиқ тўловчиларга тақсимланади. Бундан ташқари, хуфёна иқтисодиётнинг мавжуд бўлиши изчил макроиқтисодий сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳар қандай чора-тадбирларни самарасиз қилади.

## 4§. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида.

Хуфёна сектор билан боғлиқ энг катта хавф бу бозор конституциясидан кескин фарқ қилувчи хатти-ҳаракатлар ва битимлар тузишнинг алоҳида меъёрларининг шаклланишдир. Хуфёна меъёрларнинг асосида уларнинг амал қилиши ҳудудий жиҳатдан ва / ёки шахсларнинг маълум доираси томонидан чегараланган ижтимоий механизмлар ётади - қонунга бўйсуниш меъёрларининг мавжуд эмаслиги, меъёрларнинг амал қилишини ижтимоий мансублигидан қатъи назар, барча иқтисодий субъектларга тарқатишга имкон бермайди.

Хуфёна меъёрларнинг ёзилмаган ва локал хусусияти туфайли хуфёна битимлар тузиш учун универсал ўйин қоидаларини ифодалаб бўлмаса-да, хуфёна иқтисодиёт «конституцияси»нинг асосий унсурларини аниқлаш мумкин. Мисол тариқасида Италия, Сицилия, Калабрия ва Кампанияни оламиз: ривожланган хуфёна секторга эга бўлган ушбу минтақа иқтисодчилар ва социологлар томонидан яхши ўрганилган.

Давлатнинг (дастлаб Испания, сўнгра Италия давлатининг) кам иштироки ва унинг маҳаллий аҳолининг турмушини ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашга лаёқатсизлиги Италия жануби тарихий ривожланишининг муҳим омиллари бўлди. Давлат ушбу минтақаларнинг узоқда жойлашганлиги ва ўзи олиб борадиган «бўлиб ол ва ҳокимият ўрнат» сиёсат туфайли уларнинг мавжудлиги ҳақида шунчаки унутиб қўйди. Шунинг учун, айниқса феодал ҳуқуқнинг бекор қилиниши ва майда мулкдорлар синфининг шаклланиши муносабати билан мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва шартномалар бажарилишини таъминлашнинг давлатнинг аралашувига муқобил механизмари талаб этилди.

5-илова (1.1)

**Хулоса**

Иқтисодий субъект томонидан ўз бизнеси учун институционал муҳитни – ошкора ёки хуфёна – танлаш тўғрисидаги қарор биринчи ва иккинчи ҳолатларда битимларни амалга оширишда юзага келадиган трансакция харажатларини қиёслаш орқали белгиланади. Бошқача айтганда, қонунга бўйсуниш нормаси яна бир бор оқилона асосланади: шахс унинг талабини мутлақ императивнинг таъсири остида эмас (қонуний нарсаларнинг ҳаммаси яхши), балки қонунга амал қилишдан кутилаётган фойдалар туфайли бажаради. Қонунга ихтиёрий бўйсунишга ундовчи омиллар шахсда фақат, давлат иқтисодиётининг ошкора секторида трансакция харажатларини пасайтириш йўли билан унинг манфаатларини амалга оширишга қодир бўлган тақдирда, пайдо бўлади.

Иқтисодий соҳада хуфёна битимлар амалга ошириладиган ўйин қоидаларида, биринчи галда бозор конституциясидан битимларнинг барча иштирокчиларини «ўзиники» ва «бегоналарга» ажратиш билан катта фарқ қилади. Ўзиникиларга нисбатан оппортунизмни олдини олишнинг ижтимоий механизмлари амал қилади, ишонч ва ўзаро ёрдам меъёрлари ҳукмронлик қилади. Аксинча, «бегоналарга» нисбатан оппортунизм меъёр бўлиб қолади. Т.Веблен ёзганидек, хуфёна иқтисодиёт «ҳасадгуйлик рақобатчилигига» асосланган «ёввойи» бозор моделига жуда яқин. Ва ниҳоят, хуфёна иқтисодиёт максимал даражада фрагментланган ва мозаикли, у тўлиқ тизим шаклини қабул қилмайди ҳамда бозорнинг барча иштирокчилари учун ягона ва мажбурий бўлган конституцияни қабул қилмайди. Бундан кўриниб турибдики, қонунга бўйсунишнинг юқори нархига муқобил вариант ҳам ғоят қиммат экан.

**Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.**

1. Фақат иқтисодиётнинг хуфёна сектори субъектларига нисбатан репрессия чораларини қатъийлаштириш ёрдамида ушбу секторнинг ўлчамларини қисқартиришга эришиш мумкинми?
2. Хуфёна сектор ялпи ички маҳсулотида юқори улушга билан тавсифланадиган мамлакатда бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичлари қандай бўлиши керак?
3. Бозор ислоҳотлари сиёсатининг стандарт дастурига қандай тузатишлар киритилиши лозим?
4. Хуфёна иқтисодиётнинг қандай унсурлари мавжуд?
5. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш ёндашувларини изоҳланг.
6. Хуфёналик нархининг унсурлари нималардан иборат?
7. «Мафия» атамасининг келиб чиқишини шарҳланг.

**Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2009.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: //Ўзбекистон овози газетаси, 2010 йил 13-ноябр сони.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: «Адолат», 1997, 2008 янги нашр.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: «Адолат», 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: «Адолат», 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2008.
7. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.Т.: «Адолат». 2008.
8. Ш.Ш.Шораҳметов.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент.: Адолат. 2001. 512-бет.
9. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
10. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
11. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 6-мавзу | ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТ |
|---|---|

**6.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| | |
|---|---|
| **Машғулот вақти-2 соат** | **Талабалар сони: 20 –30 гача** |
| **Машғулот шакли** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| ***Амалий машғулот режаси*** | 6.1. Қонунга бўйсуниш баҳоси<br>6.2. Хуфёна иқтисодиёт таркиби<br>6.3. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари<br>6.4. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида |
| ***Ўқув машғулотининг мақсади:*** хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларини, хамда хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини талабаларни таништиришдан иборат. | |
| ***Педагогик вазифалар*:** | ***Ўқув фаолияти натижалари:*** |
| Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларини тушунтириш;<br>Хуфёна иқтисодиёт таркиби, кўлами ва уларнинг кўрсаткчилари тўғрисида маълумотлар бериш;<br>Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини тушунтириш;<br>Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатларини тушунтириш. | Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳаларининг аҳамиятини изохлайди;<br>Хуфёна иқтисодиёт таркиби, кўлами ва уларнинг кўрсаткчиларига муносабат билдиради;<br>Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг туларини тушунади;<br>Хуфёна иқтисодиёт бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатларини тушунади. |
| *Таълим бериш усуллари* | Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров |
| *Таълим бериш шакллари* | Оммавий, гуруҳларда ишлаш: “кооп-кооп” техникаси |
| *Таълим бериш воситалари* | Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари |
| *Таълим бериш шароити* | Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | Оғзаки назорат: савол-жавоб |

**6.2. “Хуфёна иқтисодиёт” амалий машғулотнинг технологик харитаси**

| Иш босқичлар и ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади *(1-илова).*<br>Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун - ёзма йўриқномаларни тайёрлайди *(2-илова).*<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади *(3-илова).* | |
| **1. Ўқув машғулоти га кириш босқичи** *(10 дақ)* | 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлилиги ва долзарблигини асослайди.<br>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради *(3-илова).*<br>1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади *(2-илова).* | Саволларга жавоб берадилар. |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради *(2-3-илова).* Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида такдимот тайёрлашини айтади.<br>2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади *(5-илова).*<br>2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади.<br>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар тақдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик | Кичик гуруҳларга бўлинадилар.<br><br>Топшириқлар бўйича ишлайдилар.<br><br>Фаол қатнашадилар, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар.<br><br>Гуруҳдан сардор танлашади, унинг |

| | | |
|---|---|---|
| | киритилиши лозим бўлса, гурух сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.<br>2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди. | тақдимотида ҳамкорлик қиладилар.<br>Саволларга жавоб берадилар.<br>Тинглайдилар. |
| 3–Якуний босқич (20 дақиқа) | 3.1.Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.<br>3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(6 - иловалар)*. | Тинглайдилар. |

**1-илова**

**«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ**

**Биргаликда ўқиш:** ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

*«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилишии*

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тўзилади.

↓

2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир *қисми,* унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.

↓

3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

↓

4. Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

↓

5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.

↓

6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

**2-илова**

***Гуруҳларда ишлаш қоидаси***

Шеригингизни диққат билан тингланг.
Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.

Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

**3-илова**

***Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари***

| **Мезонлар** | **Макс. балл** | **Гуруҳ натижаларини баҳолаш** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ахборотнинг тўлиқлиги | 1,0 | | | | | | |
| Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши | 0,6 | | | | | | |
| Гуруҳнинг фаоллиги | 0,4 | | | | | | |
| Балларнинг максимал суммаси, жами | 2 | | | | | | |

**4-илова**

## Билимларни фаоллаштириш учун саволлар

1. Хуфёна сектор ялпи ички маҳсулотида юқори улушга билан тавсифланадиган мамлакатда бозор ислоҳотларининг дастлабки босқичлари қандай бўлиши керак?
2. Бозор ислоҳотлари сиёсатининг стандарт дастурига қандай тузатишлар киритилиши лозим?
3. Хуфёна иқтисодиётнинг қандай унсурлари мавжуд?
4. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш ёндашувларини изоҳланг.

| 7-мавзу | МУЛКНИ МУҚОБИЛ РЕЖИМИ ВА ТАШҚИ САМАРАСИ |
|---|---|

**7.1. Маърузада таълим технологияси**

| **Ўқув соати: 2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
|---|---|
| **Ўқув машғулотининг шакли** | Маълумотли (кўргазмали) маъруза<br>Кўргазмали (визуал) маъруза (2-машғулот) |
| **Мавзу режаси** | 1. Мулк тўғрисида умумий тушунчалар, унинг муқобил режими ва ташқи самараси.<br>2. Коуз назарияси тўғрисида тушунчалар<br>3. Ташқи самара ва коуза назарияси.<br>4. Мулкнинг муқобил режими |
| *Укув машгулотининг максади:* Мулк тўғрисида, унинг муқобил режими, ташқи самараси, коуза назарияси тўғрисида талабаларга тушунчалар бериш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>1 Мулкчилик таърифларининг таҳлили ва аҳамиятини тушунтириш.<br>2. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари билан таништириш;<br>3. Мулкий хуқуқлар тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Мулкий хуқуқлар аҳамиятини тушунтириш;<br>5. Мулкнинг муқобил режими тўғрисида маълумотлар бериш; | *Укув фаолиятининг натижалари:*<br>1. Мулкчилик таърифларининг таҳлили ва аҳамиятини изохлайди;<br>2. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари тўғрисида маълумотлар беради;<br>3. Мулкий хуқуқларни изохлайди;<br>4. Мулкий хуқуқлар аҳамиятини ва моҳиятини тушунтириб беради;<br>5. Мулкнинг муқобил режими тўғрисида маълумотлар беради; |
| **Таълим методлари** | Визуал маъруза, блиц-суров, баён қилиш, кластер, «ха-йук» техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, компьютер технологиялари. |
| **Таълим шакллари** | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, назорат саволлари ва вазифалар. |

## 7.2. “Мулкни муқобил режими ва ташқи самараси” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Фаолият босқичлари | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчининг | Талабанинг |
| **I. Кириш босқичи (10 дақиқа)** | 1.1.Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади.<br>1.2.Мавзу бўйича асосий тушунча ва таянч ибораларни шарҳлайди ва уларни ёздиради.<br>1.3.Баҳолаш мезонларини эълон қилади. | Тинглайдилар.<br><br>Асосий тушунча ва ибораларни ёзиб оладилар |
| **II. Асосий босқич (60 дақиқа)** | 2.1.Бугунги ўқув машғулотида нималарни муҳокама қилишимизни чуқур ўйлаб жавоб беришни, унда асосий тушунча ва ибораларнинг ўрнини аниқлашни уларнинг ўрганилиш кетма-кетлигини рақамлар асосида белгилашни таклиф қилади (Кутиш ҳамкори. 1-илова).<br>2.2.Ақлий ҳужум методи ёрдамида талабаларни фаоллаштиради. «Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?» саволини беради ва қисқа иборалар билан жавоб беришини сўрайди. Жавобларни доскага ёзиб боради.<br>2.3. Жавобларни гуруҳлаштиришни ва систематизациялаштиришни таклиф қилади. Талабалар билан ҳамкорликда, уларнинг жавоблари асосида кластер ишлаб чиқади (2-илова – ўқитувчининг варианти). Фаолият жараёнида жавобларни аниқлаштиради, тузатади, ўзгартиришлар киритади.<br>2.4.Режалар асосида (кластерга қараб) мавзунинг мазмунини ёритади. Экранда чизмали органайзерларни намойиш этиб, ходимларнинг хизмат-касб жиҳатидан кўтарилиш тизимини, кадрлар захираси ва улар билаш ишлаш, кадрлар захирасини шакллантириш манбалари кабиларни шарҳлайди, тушунтиради (слайдлар).<br>2.5.Талабаларни учта гуруҳга бўлади.Т-схемани тўлдириш қоидасини тушунтиради (3-илова). | Дафтарларига ёзиб, асосий тушунча ва ибораларни рақамлар билан белгилаб чиқадилар.<br>Саволга жавоб берадилар.<br>Жавоблари гуруҳлаштириб, кластер ишлаб чиқишга ёрдам беради.<br>Эшитадилар.<br>Зарур маълумотларни ёзиб оладилар.<br>Фикр алмашадилар.<br>Ҳар бир талаба индивидуал Т-схемани ишлаб чиқади. Сўнг Т-схемалар солиштирилади ва бита умумийси гуруҳларда ишлаб чиқилади.<br>Гуруҳ сардорлари ишларини |

| | | |
|---|---|---|
| | Гуруҳлар ишини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.<br>2.6.Олинган натижалар бўйича тақдимот ўтказилишини эълон қилади. Тақдимот жараёнида талабалар билан биргаликда схеманинг тўлиқ ишлаб чиқилганини таҳлил қилади, камчиликларни тўлдиради, аниқлаштиради, тўғрилайди ва баҳолайди.<br>2.7.Т-схеманинг охирги тўғри вариантини дафтарларига кўчиришни таклиф қилади. | доскага илиб, уни шарҳлай-ди. (5 дақ.). Бошқа гуруҳ аъзолари қўшимчалар кирита-ди, тўғрилайди, саволлар беради. Т-схемани дафтар-ларига кўчирадилар. |
| **III. Якуний босқич (10 дақиқа)** | 3.1. Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади ва якун ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади.<br>3.2.Талабалар фаолиятини баҳолайди: энг фаол иштирокчилар билан бирга гуруҳ ишларида энг суст иштирок этганларни ҳам айтиб ўтади. Гуруҳ ишларини самарасини ошириш бўйича таклифлар беради.<br>3.3.Талабаларга машғулот бошида белгиланган асосий тушунча ва ибораларни кетма-кетлиги тақдим этилган маълумотни баён этиш структураси билан солиштиришни таклиф қилади (4-илова). | Эшитадилар.<br><br>Асосий тушунча ва ибораларни узлари тузган кетма-кетлик билан солиштириб кўрадилар. Вазифани ёзиб оладилар. |

**1-илова**



**2-илова**

## Кластер тузиш




**3-илова**

***Т-схема***
маълумотларни солишти-риш ёки икки томонини (ҳа/йўқ) кўрсатиш учун қўлланиладиган чизмали органайзер. Бу:
танқидий тафаккурни ри-вожлантирувчи;
кўпроқ якуний маърузада қўлланиладиган таққослаш жадвалидир.

Т-схемани тузиш қоидаси билан танишадилар. Индивидуал холда Т-схемани ишлаб чиқадилар.

Ажратилган вақт ичида якка ҳолда ёки жуфтликда схемани тўлдирадилар: бир томонида тарафдорлик сабабларини, ик-кинчи томонда қаршилик сабабларини ёзадилар.

Схемалар жуфтликда / гуруҳларда тўлди-рилиши, солиштирилиши мумкин.

Бутун гуруҳ биргаликда битта умумий Т-схемани ишлаб чиқади.

| 7-мавзу | МУЛКНИ МУҚОБИЛ РЕЖИМИ ВА ТАШҚИ САМАРАСИ |
|---|---|

### 7.2. Таълим бериш технологиясининг модели

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Мулк тўғрисида умумий тушунчалар, унинг муқобил режими ва ташқи самараси.<br>2. Коуз назарияси тўғрисида тушунчалар<br>3. Ташқи самара ва коуза назарияси.<br>4. Мулкнинг муқобил режими |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Мулк тўғрисида, унинг муқобил режими, ташқи самараси, коуза назарияси тўғрисида тушунчалар бериш. Ташқи самара ва коуза назарияси.Мулкнинг муқобил режимини талабаларга тушунтириш | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>1 Мулкчилик таърифларининг таҳлили ва аҳамиятини тушунтириш.<br>2. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари билан таништириш;<br>3. Мулкий хуқуқлар тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Мулкий хуқуқлар аҳамиятини тушунтириш;<br>5. Мулкнинг муқобил режими тўғрисида маълумотлар бериш; | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>1. Мулкчилик таърифларининг таҳлили ва аҳамиятини изохлайди;<br>2. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари тўғрисида маълумотлар беради;<br>3. Мулкий хуқуқларни изохлайди;<br>4. Мулкий хуқуқлар аҳамиятини ва моҳиятини тушунтириб беради;<br>5. Мулкнинг муқобил режими тўғрисида маълумотлар беради; |
| **Таълим методлари** | Амалиёт, тезкор сўров, нима учун техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, ўқув тарқатрма материаллари |
| **Таълим шакллари** | Жамоавий, жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**7.2. “Мулкни муқобил режими ва ташқи самараси”**

мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

| Фаолият босқичлари | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | *Таълим берувчи* | *Таълим олувчилар* |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади. | |
| 1. **Кириш босқичи** *(5 дақиқа)* | 1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади.<br>1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади *(1-илова)*. | Тинглайдилар. |
| **2. Асосий босқич** *(50 дақиқа)* | 2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров техникасини қўллаб, қуйидаги саволларни беради:<br>- Айланма маблағлар деганда нимани тушунасиз?<br>- Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари деганда нимани тушунасиз?<br>- Айланма маблағлар айланиши қандай босқичларни ўз ичига олади?<br>-Айланма маблағлар захираси деганда нимани тушунасиз?<br>Берилган жавобларни таҳлил қилади, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.<br>2.2. Талабаларни ихтиёрий равишда учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда топшириқ бажаришларини уқтиради.<br>2.3. Топшириқлар тарқатади. «Нима учун?» техникасидан фойдаланиб, топшириқни аввал индивидуал, сўнгра гуруҳда бажариши кераклигини айтади | Саволга жавоб берадилар.<br><br>Гуруҳларга бўлинади.<br>Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради.<br><br>Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва такдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошка иштирокчилар томонидан берилган |

| | | |
|---|---|---|
| | ва жадвални тўлдириш тўлдириш қоидасини тушунтиради. (2-илова).<br>Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади, талабаларни кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.<br>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. | саволларга жавоб беради. |
| **3. Якуний босқич** *(15 дақиқа)* | 3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди.<br>3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат ва тест саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(3,4,- иловалар).*<br>*3.4.* Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш; (2) Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдириб келиш. (5-илова) | Эшитади.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1-илова**

***Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари***

| **Мезонлар** | **Макс. балл** | **Гурух натижаларини баҳолаш** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** |
| Ахборотнинг тўлиқлиги | 1,0 | | | | | | |
| Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши | 0,6 | | | | | | |
| Гуруҳнинг фаоллиги | 0,4 | | | | | | |
| Балларнинг максимал суммаси, жами | 2 | | | | | | |

**2-илова**

**Ўқув топшириқлари**

**1-гурух**

**«Нима учун?» техникаси**




**2-гурух**

**«Нима учун?» техникаси**




**3-гурух**

**«Нима учун?» техникаси**




**3-илова**

## Назорат саволлари ва вазифалари:

1. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси.
2. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.
3. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар.
4. Инглиз-саксония ва рум-немис ҳуқуқий анъаналари.
5. Мулкчилик ҳуқуқлар тўплами сифатида. ?

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 8-мавзу | ШАРТНОМАЛАР НАЗАРИЯСИ |
|---|---|

**8.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

| | |
|---|---|
| Вакти - 2 соат | Талабалар сони: 40-50 нафар |
| Укув машгулотининг шакли | Кириш, визуал маъруза |
| Маъруза машгулотининг режаси | 8.1. Шартнома тушунчаси<br>8.2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома<br>8.3. Шартномаларнинг хиллари<br>8.4. Ташкилот тушунчаси |
| *Укув машгулотининг мацсади:* талабаларга институтционал келишув турлари, шартнома тушунчаси, сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома, шартномаларнинг хиллари хамда ташкилот тушунчаси тугрисида тушунчалар берилади. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>1. Институтционал келишувларни тадқиқот қилишни контракт шаклини тушунтириш;<br>2. институтционал келишувларнинг ўзаро алоқалари тушунтириш;<br>3. Бозор институтционал келишувини тушунтириш;<br>4. Фирма институтционал келишуви тури тўғрисида маълумотлар бериш; | *Укув фаолиятининг натижалари:* Талаба:<br><br>1. Институтционал келишувларни тадқиқот қилишни контракт шаклини изохлайди;<br>2. институтционал келишувларнинг ўзаро алоқалари тўғрисида маълумотлар беради;<br>3. Бозор институтционал келишувини тушунтиради;<br>4. Фирма институтционал келишуви тури тўғрисида маълумотлар келтиради; |
| Укитиш услуби ва техникаси | Визуал маъруза, блиц-суров, баён килиш, кластер, «ха-йук» техникаси |
| Укитиш воситалари | Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, график органайзерлар. |
| Укитиш шакли | Жамоа, гурух, ва жуфтликда ишлаш. |
| Укитиш шарт-шароити | Проектор, компьютер ҳар жихозланган аудитория |

**“Шартномалар назарияси” машгулотининг технологик харитаси**

| Босқичлар, вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Укитувчи | талаба |
| 1-боскич. Кириш (10 мин.) | 1.1. Мавзу, унинг мақсади, укув машгулотидан кутилаётган натижалар маълум килинади. | 1.1. Эшитади, ёзиб олади. |
| 2-боскич. Асосий (60 мин.) | 2.1. Талабалар эътиборини жалб қилиб билим даражаларини аниклаш учун тезкор савол-жавоб утказади.<br>1. Бозор нима?<br>2. фирма нима?<br>3. Институционал келишувларни изохланг?<br>2.2. Укитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. Баҳонинг тушунчаси, баҳолаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти тушунтириб беради. Баҳо, нарх ва баҳолаштириш тушунчаларини шархлайди (1-илова).<br>2.3. Бозорнинг функцияларини батафсил ёритади ва такдимотни намойиш килади (2-илова).<br>2.4. Бозорнинг асосий турларини слайдлар орқали тушунтириб беради (3-илова).<br>2.5. бозор баҳога таъсир қилувчи омилларнинг асосийларини санаб беради (4-илова).<br>2.6. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор килишни ва ёзиб олишларина таъкидлайди.<br>2.7.Ўтилган мавзуни қай даражада ўрганганлигини билиш мақсадида “БББ” усулини қўллаган ҳолда талабаларга саволлар беради *(5-илова).*<br>2.8.Саволларга тўғри жавоб берган талабаларни баҳолайди ва рағбатлантиради. | 2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини такрорламай атамаларни айтади. Уйлайди, жавоб беради. Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.<br>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама килади. Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади.<br>2.3.Эслаб колади, ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга |

| | | |
|---|---|---|
| 3-босқич. Якуний (10 мин.) | 3.1. Мавзуга якун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалаларга каратади. Фаол иштирок этган талабаларни рагбатлантиради. Мустакил иш учун вазифа: "Бозор" сўзига кластер тўзишни вазифа килиб беради, бахолайди. | 3.1. Эшитади, аникдаштиради. 3.2. Топширикни ёзиб олади. |

1-илова (1.2.)

## МАВЗУ БЎЙИЧА ТИНГЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

| Муддати | Назорат шакли | Талаба баллари |
|---|---|---|
| Маъруза машғулоти дарсида | Маъруза машғулотида фаол иштирок этиш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Амалий машғулот дарсида | Амалий машғулотда индивидуал топшириқларни бажариш ва гуруҳда ишлаш | 14 балл |
| Мавзу бўйича берилган топшириқларни бажариши (масалалар, инсерт усули асосида ва бошқалар) | Мавзу бўйича ёзилган ишга | 20 балл |
| Мавзу давомида мавзунинг саволлари бўйича назорат иши ва тестлар (оралиқ назорат баллари) | Маъруза машғулотларидан олинган билимларни мустаҳкамлайди ва амалиётда қўллаш учун ўзларини билимларини синаб кўради | 28 балл |
| Мавзу охирида | Тест топшириш ёки оғзаки баҳолаш | 24 балл |
| Жами: | | 100 балл |

86 % - 100% → «Аъло»
71 % - 85% → «Яхши»
55 % - 70% → «Қониқарли»
0% - 54% → «Қониқарсиз»

2 – илова (1.3.)

**1. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси.**

БЎБ (ЗХУ) жадвали-биламан/ билишни ҳоҳлайман/билдим.

- Мавзу бўйича илмий текшириш ишларини бажаришни таъминлайди. Системали фикрлаш таҳлил асослари ва структурлашни ривожлантиради.
- Янги мавзуни ўрганишдан олдин қўлланилади: биринчи ва иккинчи устунлар тўлдирилади ва сўнгра якунловчи қисмида учинчи устун тўлдирилади.

БЎБ (ЗХУ) жадвалини тўлдириш қоидалари билан танишади. Якка ҳолда ёки жуфтликда жадвални тўлдиради

“Шу мавзу бўйича сиз нималарни биласиз?”, “Нималарни билмоқчисиз?” саволларига жавоб беради.

Жадвалнинг биринчи ва иккинчи устунни тўлдиради. (якка ҳолда ёки жуфтликда)

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди, (ёки эшитади)

Учинчи устунни тўлдиради.

3-илова (1.4)

**Мавзуни жонлантириш учун блиц сўров саволлари**

1. Сиз бугун қандай хилдаги шартномаларни тузишингизга тўғри келди? Амалга оширилган битимлардан бирини шу нуқтаи назардан тавсифланг.
2. «Лавз пулдан ҳам қиммат» деган машҳур мақолни институционал нуқтаи назардан талқин этинг. Унда қанақа шартнома идеали ўз аксини топган?
3.Бугунги кунда Сиз қандай энг ўзига хос активга эгасиз? Жавобингизни асосланг.
4.Институт ва ташкилот категорияларидан фойдаланган ҳолда институционал ёндашув асосида сиёсий партия билан ижтимоий-сиёсий ҳаракат ўртасидаги фарқни изоҳланг.
5.Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг институционал ва марксистик талқинини таққосланг.

4 - илова (2.2.)

## 1§. Шартнома тушунчаси

Шахслар ўзаро ҳамкорлигининг умумий доиралари институтлар томонидан белгиланади. Битимларни тузиш шартларининг муайян доиралари эса ўзаро ҳамкорликнинг турли иштирокчилари ўртасида қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 9-боби (101-112-моддалар) битимларга бағишланган. Агар мулкчилик ҳуқуқлари назариясининг атамаларидан фойдалансак, мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги ҳар қандай келишувни шартнома, деб аташ мумкин. Шартномани тузишда шахслар расмий ва норасмий меъёрларни муайян битим эҳтиёжлари учун қўллаган ҳолда, улардан фойдаланишади. Бошқача айтганда, шартнома белгаланган институционал доираларда амалга ошириладиган алмашув мақсадлари ва шартларининг шахслар томонидан онгли равишда ва эркин танланишини акс эттиради.

**Шартнома** – белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

## 2§. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома

**Ёллаш тўғрисидаги шартнома** – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга оширилиши мумкин бўлган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш уқуқини топширади.

**Сотиш тўғрисидаги шартнома** – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга ошириладиган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

## 3§. Шартномаларнинг хиллари

Шартноманинг учта базавий хили маълум – *классик, имплицит* ва *неоклассик*.

**Классик шартнома**, унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўкис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

**Имплицит** (бундан «имплицит», яъни охиригача келишилмаган шартнома атамаси келиб чиққан) шартнома эса, аксинча, ўзаро ҳамкорликнинг аниқ белгиланишини истисно этади, шартнома томонлари шартноманинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг тафсирланишини назарда тутади. Бундай шартнома ёллаш тўғрисидаги шартномадан ҳосил қилинган.

**Неоклассик** ёки *гибрид, «муносабатли»* шартнома ўзида ҳам ёллаш тўғрисидаги шартноманинг, ҳам сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради ва томонларга кутилмаган ҳолатлар содир бўлганида унинг ҳарфларига амал қилмаслик имконини беради.

## 4§. Ташкилот тушунчаси.

**Ташкилот** - ҳукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларининг айримлари - «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг унинг бошқа иштирокчиси - «принципал»га топширилиши асосида қурилган мувофиқлаштириш бирлиги.

Ташкилотни мувофиқлаштириш бирлиги сифатида таърифлаш ушбу тушунча ва инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилаб берувчи «институт» тушунчасини аниқ чегаралашни талаб қилади. Уларни қуйидаги жадвал ёрдамида таққослаймиз:

| **Институт** | **Ташкилот** |
|---|---|
| *Макро*институционал тоифа | *Микро*институционал тоифа |
| Ўзаро ҳамкорликнинг *умумий* доираларини белгилайди | Ўзаро ҳамкорлик(лар)нинг *муайян* доираларини белгилайди |
| *Соф ижтимоий неъмат* тавсифига эга | *Клуб неъмати* тавсифига эга |
| *Деперсонификациялашган* ва *нолокал* трансакцияларни тартибга солади | Аниқ чегараланган, демак, *персонификацияланган* ва *локал* трансакцияларни тартибга солади |
| Шахслар институтларнинг ўзгариш жараёнига таъсир кўрсата олишмайди | Ташкилот шахсларнинг онгли равишдаги танлови натижаси саналади |
| Ҳукмронлик муносабатларининг элементи *мавжуд эмас* | Ҳукмронлик муносабатлари ташкилот *фаолият кўрсатишининг асосида* ётади |
| Трансакция харажатларининг таркибини ва миқдорини белгилайди | Институционал доиралар томонидан белгиланган трансакция харажатларининг тежалишига кўмаклашади |

## Хулоса

Демак, шартнома муайян битимларни амалга оширишнинг институционал доираларини ўзида намоён этади. Ҳар қандай институт сингари, шартнома нафақат ўзаро ҳамкорликни чегаралайди, балки унинг учун замин яратади, бу ҳол айниқса битимларни тузиш ва амалга ошириш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигида яққол намоён бўлади. Бундай турдаги битимлар улар иштирокчиларининг мақсадларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши хатари билан боғлиқ. Инсонлар хатарни қабул қилиш даражаси бўйича фарқ қилади, бу эса икки турдаги шартномаларнинг – хатарга бетараф бўлган шериклар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи сотиш тўғрисидаги шартнома ҳамда хатарга бетараф бўлган ва хатарга қарши инсонларга ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартноманинг мавжуд бўлишини изоҳлайди.

Ташкилот миниатюрадаги буйруқбозлик иқтисодиётини ўзида намоён этади. Ташкилот ички ўсишининг чекланишлари айнан шу билан боғлиқ: ташкилот кўламларининг кенгайиши мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатларининг ошишига олиб келади. Институт (бозор) билан ташкилот (фирма) ўртасидаги энг аниқ чегара қуйидаги кўрсаткичлар даражасини баҳолаш ёрдамида аниқланади: активларнинг ўзига хослиги, ноаниқлик, битим томонларининг хатарга мойиллиги, битимнинг мураккаблиги, шунингдек қонундан фойдаланиш нархи билан хуфёналик нархининг ўзаро нисбати.

**Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.**

1. Сиз бугун қандай хилдаги шартномаларни тузишингизга тўғри келди? Амалга оширилган битимлардан бирини шу нуқтаи назардан тавсифланг.
2. «Лавз пулдан ҳам қиммат» деган машҳур мақолни институционал нуқтаи назардан талқин этинг. Унда қанақа шартнома идеали ўз аксини топган?
3. Бугунги кунда Сиз қандай энг ўзига хос активга эгасиз? Жавобингизни асосланг.

4. Институт ва ташкилот категорияларидан фойдаланган ҳолда институционал ёндашув асосида сиёсий партия билан ижтимоий-сиёсий ҳаракат ўртасидаги фарқни изоҳланг.

5. Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг институционал ва марксистик талқинини таққосланг. (Эслатиб ўтамиз, марксистик назарияга кўра ёллаш тўғрисидаги капиталистик шартноманинг асосида товарнинг қиймати ва истеъмол қиймати спецификаси «ишчи кучи» ётади.)

6. Нима учун имплицит шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун учинчи томонни жалб этишга зарурат йўқ? Бошқача айтганда, бошқа турдаги шартномалар билан солиштирилганда имплицит шартноманинг ўзига-ўзи етарлилигининг сабаби нимада (self-enforcing)?

7. Фирманинг табиатини тушунтиришга нисбатан институционал ёндашув ва Фрэнк Найт билан намоён этилган Австрия мактабининг ёндашувини қанчалик таққослаш мумкин? (Ф.Найтнинг асосий тезиси капиталист ўз зиммасига оладиган хатар учун ўзига хос мукофот сифатида унинг даромадларини аниқлашдан иборат эди.)

**Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:**


12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2009.
13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: //Ўзбекистон овози газетаси, 2010 йил 13-ноябр сони.
14. Каримов И.А. Навоий вилоят халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессияси материаллари. //Халқ сўзи. 2008 йил 13 декабр.
15. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: «Адолат», 1997, 2008 янги нашр.
16. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: «Адолат», 2008.
17. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: «Адолат», 1996.
18. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2008.
19. Ш.Ш.Шораҳметов.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент.: Адолат. 2001. 512-бет.
20. М.Мамасиддиқов. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. Умумий қисм. ТДЮИ нашри. 2010. 534-бет.
21. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
22. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
23. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 8-мавзу | ШАРТНОМАЛАР НАЗАРИЯСИ |
|---|---|

## 8.1. Амалий машғулотининг ўқитиш технологияси

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Шартнома тушунчаси<br>2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома<br>3. Шартномаларнинг хиллари<br>4. Ташкилот тушунчаси |

*Ўқув машғулотининг мақсади:* талабаларга институтционал келишув турлари, шартнома тушунчаси, сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома, шартномаларнинг хиллари хамда ташкилот тушунчаси тугрисида тушунчалар берилади.

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| 1.Институтционал келишувларни тадқиқот қилишни контракт шаклини тушунтириш;<br>2.институтционал келишувларнинг ўзаро алоқалари тушунтириш;<br>3. Бозор институтционал келишувини тушунтириш;<br>4. Фирма институтционал келишуви тури эканлигини тушунтириш. | 1. Институтционал келишувларни тадқиқот қилишни контракт шаклини изохлайди;<br>2. институтционал келишувларнинг ўзаро алоқалари тўғрисида маълумотлар беради;<br>3. Бозор институтционал келишувини тушунтиради;<br>4. Фирма институтционал келишуви тури тўғрисида маълумотлар келтиради; |
| **Таълим методлари** | Амалиёт, тезкор сўров, нима учун техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, ўқув тарқатрма материаллари |
| **Таълим шакллари** | Жамоавий, жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**“Шартномалар назарияси”** мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

| **Фаолият босқичлари** | **Фаолиятнинг мазмуни** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **Тайёрлов босқичи** | Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади. | |
| 1. **Кириш босқичи** *(5 дақиқа)* | 1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади.<br>1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади *(1-илова)*. | Тинглайдилар. |
| **2. Асосий босқич** *(50 дақиқа)* | 2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров техникасини қўллаб, қуйидаги саволларни беради:<br>- Айланма маблағлар деганда нимани тушунасиз?<br>- Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари деганда нимани тушунасиз?<br>- Айланма маблағлар айланиши қандай босқичларни ўз ичига олади?<br>-Айланма маблағлар захираси деганда нимани тушунасиз?<br>Берилган жавобларни таҳлил қилади, камчиликларини тўлдиради, хатоларини тузатади.<br>2.2. Талабаларни ихтиёрий равишда учта кичик гуруҳга бўлади ва ҳамкорликда топшириқ бажаришларини уқтиради.<br>2.3. Топшириқлар тарқатади. «Нима учун?» техникасидан фойдаланиб, топшириқни аввал индивидуал, сўнгра гуруҳда бажариши кераклигини айтади | Саволга жавоб берадилар.<br><br>Гуруҳларга бўлинади.<br>Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради.<br><br>Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва такдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошка иштирокчилар томонидан берилган |

| | | |
|---|---|---|
| | ва жадвални тўлдириш тўлдириш қоидасини тушунтиради. (2-илова).<br>Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади, талабаларни кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради.<br>2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. | саволларга жавоб беради. |
| **3. Якуний босқич**<br>*(15 дақиқа)* | 3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди.<br>3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат ва тест саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(3,4,- иловалар).*<br>*3.4.* Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш; (2) Саволлар асосида БББ жадвалини тўлдириб келиш. (5-илова) | Эшитади.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 9-мавзу | ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ НАЗАРИЯ |
|---|---|

(маъруза – 2 соат,  амалий -2 соат)

**9.1. Маърузани олиб бориш модели**

| | |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | Муаммоли<br>Талабалар сони – 40-50 та |
| *Маруза режаси* | 12.1. Давлатнинг функциялари<br>12.2. Давлат хусусиятини баҳолашнинг эмпирик усуллари<br>12.3.Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»<br>12.4. Давлат «чегараси» |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*. Талабаларга  Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти.Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида.Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи.Давлатни фаолиятини иқтисодий таҳлили етказилади. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *ўқув фаолияти натижалари:* |
| 1 Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти тушунтириш;<br>2. Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида таништириш;<br>3. Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлилини Тушунтириш; | 1 Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти тушунтириш;<br>2. Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида таништириш;<br>3. Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлилини тушунтириш; |
| Ўқитиш воситалари | маъруза матни, компьютер слайдлари, доска |
| Ўқитиш усуллари техникаси | маъруза, ақлий хужум  техникаси Зиг-заг , хабарлашиб ўрганиш усули, Инсерт техникаси |
| Ўқитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| Ўқитиш шароити | компьютер,  мультимедия проектор |
| Мониторинг ва баҳолаш | Тест, оғзаки саволлар, блиц-сўров |

**“Давлат тўғрисида янги институтционал назария” мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич.<br><br>Мавзуга кириш (20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.БББ жадвалини тўлдириш қоидаси усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси усули натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхисини амалга оширади. (1-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар |
| 2 - босқич. Асосий бўлим<br><br>(50 мин) | 2.1. Талабаларнинг эътиборини тортиш учун жонлантириш саволларини беради.(2-илова).<br>2.2. Маъруза режасининг ҳамма саволларни тушунтиради Поwер Поинт да яратилган слайдлар ёрдамида ( 3-илова).<br>2.3.Ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштирувчи хулоса беради.<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич. Якунлов чи<br><br>(10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлигини маълум қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун саволлар беради. (4-илова).<br>3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради. | Саволлар берадилар<br>УМКга қарайдилар<br><br>Мустақил ўрганиш учун саволларни ёзиб оладилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

(1-илова). (3.1)

## 1. БББ жадвалини тўлдириш қоидаси.

БЎБ (ЗХУ) жадвали- биламан/ билишни хоҳлайман/билдим.

- Мавзу бўйича илмий текшириш ишларини бажаришни таъминлайди. Системали фикрлаш таҳлил асослари ва структурлашни ривожлантиради.
- Янги мавзуни ўрганишдан олдин қўлланилади: биринчи ва иккинчи устунлар тўлдирилади ва сўнгра якунловчи қисмида учинчи устун тўлдирилади.

БЎБ (ЗХУ) жадвалини тўлдириш қоидалари билан танишади. Якка ҳолда ёки жуфтликда жадвални тўлдиради

“Шу мавзу бўйича сиз нималарни биласиз?”, “Нималарни билмоқчисиз?” саволларига жавоб беради.

Жадвалнинг биринчи ва иккинчи устунни тўлдиради (якка ҳолда ёки жуфтликда)

Мустақил равишда маъруза матнини ўқийди (ёки эшитади)

Учинчи устунни тўлдиради.

1- илова (3.1)

**Мавзуни жонлаштириш саволлари.**

1. Давлатнинг функциялари нималардан иборат.?
2. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш хакида айтинг?
3. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»?
4. Давлат «чегараси»?
5. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси?
6. «Шартномавий» давлат?
7. «Эксплуататорлик» давлати?
8. Давлат хусусиятини баҳолашнинг эмпирик усулларини айтинг?

3-илова (3.1.)

## 1-§. Давлатнинг функциялари

Давлатнинг функциялари қуйидагилар киради:

- *мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш:* трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади;
- *ахборот билан алмашиш тармоқларини барпо этиш:* мувозанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади;
- *ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш:* давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради, янада кенг маънода эса универсал чора-тадбирлар жумласига давлат томонидан пул муомаласининг ташкил этилиши ҳам киради, чунки алмашувнинг универсал тадбири – пулнинг энг муҳим функцияларидан бири;
- *товарлар ва хизматлар билан жисмоний алмашиш тармоқлари ва механизмларини барпо этиш:* бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқлари (транспорт тармоқлари, савдолар учун уюшган майдончалар ва ҳ.к.)ни ҳам ўз ичига олади;
- *ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва низоларда «учинчи» томон ролини бажариш:* шартномаларни бажаришда кутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши шарнома томонларининг улардан оппортунистик мақсадларда фойдаланишидан кафолатлаш учун «учинчи» томон (суд)нинг аралашувини талаб қилади;
- *соф ижтимоий фаровонликни яратиш* «чиптасиз» муаммосини келтириб чиқаради, бу уни молиялаш учун давлат томонидан мажбурлов чораларидан фойдаланишни талаб қилади (биринчи навбатда мудофаа, кейин соғлиқни сақлаш ва таълим сингари ижтимоий фаровонликни яратиш).

## 2-§. Давлат хусусиятини баҳолашнинг эмпирик усуллари.

Давлатни у ёки бу хилга киритишнинг биринчи мезони – бу даромадлар турли моддаларининг нисбати. Солиқдан ташқари тушумларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шунчалик фаол бўлади – бундай ҳолатда унинг роли шартномалар бажарилишининг оддий кафили доирасидан ташқарига чиқади.

Иккинч мезон – давлат харажатларининг таркиби ва биринчи навбатда реал молияланган ҳамда давлат бюджети тўғрисидаги қонунда қайд этилган харажатлар нисбати. Эксплуататорлик давлатида унинг мажбур қилиш салоҳиятини сақлаб қолиш ва кучайтириш билан боғлиқ харажатлар («куч ишлатувчи» вазирликларни сақлаб туриш харажатлари) ҳамда бевосита давлат аппаратини сақлаб туриш учун йўналтирилган харажатларни молиялашнинг устуворлиги ўрин тутади. Мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат аппарати харажатларни катта тайёргарлик билан амалга оширади.

Учинчи мезон – бюджет тақчиллигини молиялаш усуллари. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг учта асосий усули – марказий банкнинг ҳукуматга кредитлари, ташқи ва ички қазлардан эксплуататорлик давлати биринчисини афзал кўради. Бундан ташқари, марказий банкнинг кредитларидан фойдаланиш давлатга мусодара хусусиятига эга бўлган «инфляция солиғи» (сеньоража) орқали даромад олиш имконини беради. Аксинча, шартномавий давлат бюджет тақчиллигини молиялашнинг энг кам инфляция усули – ташқи бозордаги қарзларни афзал кўради. Ички бозордаги қарзлар узоқ муддатли даврда инфляция хавфини туғдиради ва жамият умумий фаровонлигининг ўсишига тўсқинлик қилади, чунки молиявий ресурслар реал сектордан давлат қарз мажбуриятлари бозорига оқиб кетади.

## 3-§. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари».

Бозорнинг «муваффақиятсизликлари» билан бир қаторда давлатнинг «муваффақиятсизликлари»ни ҳам эътиборга олиш лозим. Хусусан, давлатнинг қуйидаги «муваффақиятсизликлари» ажратилади:

- *даромадлар ва харажатларнинг мос келмаслиги:* оддий фирмадан фарқли ўлароқ, давлатнинг қатъий бюджет чеклови даражаси мутлақ даражадан анча йироқ, давлат, ҳатто агар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган тақдирда ҳам, уни банкротга айлантириш анча мушкул;
- *давлат фаолияти самарадорлигининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги:* фирма учун фойда сингари самарадорликнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги туфайли давлат тузилмалари уларни мустақил ишлаб чиқилган стандартлар билан алмаштиради ва ушбу ҳолатда давлатнинг фаолияти уларнинг ўзлари томонидан бериладиган мезонлар (бюджет тушумларининг ўсиши, давлат назоратининг экспансияси ва ҳ.к.) бўйича баҳоланади;
- *олдинга қўйилган натижалардан фарқ қилувчи натижаларга эришиш эҳтимоли:* ахборот харажатлари ҳамда мониторинг ва назорат харажатларининг ўсиши амалга оширилган вазифаларнинг олдинга қўйилган вазифалардан мунтазам фарқ қилиши учун замин яратади (юқорида келтирилган, унда давлатнинг куч ишлатишдан хусусий фойдаланишни чеклашга уриниши унинг эскалациясига олиб келиши мумкин бўлган модел бунга яққол мисол бўлади);
- *ресурсларнинг нотенг тақсимланиши:* трансакция харажатлари нолдан фарқ қилганда ресурсларга бўлган мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашда давлат учун адолатлиликнинг бир неча стандартлари мавжуд; Парето бўйича оптимум билан бир қаторда қуйидагилар ана шундай стандартлар ҳисобланади: Калдора қоидаси (агар ресурсларни тақсимлаш натижасидан ютаётган томон ютқазаётган томонга йўқотишларни қоплашга қодир бўлса, ресурсларни тақсимлашга ўзгартириш киритишга йўл қўйилади), Ролз қоидаси (энг кам таъминланганларнинг аҳволини яхшиловчи - ресурсларнинг адолатли тақсимланиши) ва кўплаб бошқа стандартлар.

## 4-§. Давлат «чегараси»

Фирманинг бозорга нисбатан экспансияси чегаралари каби давлатнинг ҳам ўсиш чегаралари мавжуд. Агар шартномалар бажарилишининг кафили функцияларини бажариш учун тўлиқ давлат монополияси қонунга бўйсунишнинг юқори харажатлари шаклини қабул қилувчи юқори трансакция харажатларига олиб келса, у ҳолда давлат барча ўзаро муносабатларда эмас, балки фақат унинг айримларида кафил сифатида иштирок этади, деб тахмин қилиш ўринли. Бошқа битимларда улар амалга оширилишини кафолатлашнинг муқобил механизмлари амал қилади. Давлат кафолатланадиган битимлар доираси нима билан белгиланади?

Ушбу доира уларнинг давлат томонидан кафолатланиши шартнома томонларининг муқобил кафилларга мурожаат этишида юзага келадиган харажатларга қараганда кам харажатли битимлар билан чегараланади. Шу боисдан учун фирма учун ифодаланган «ўзи қилиш ёки бозорда харид қилиш» деган савол давлат учун қуйидагича ифодаланади: «ўзи кафолатлаш ёки назорат қилиш ҳуқуқини бошқа кафилларга ўтказиш». Масалан, айрим мамлакатларда ижтимоий ва тиббий суғурта билан боғлиқ барча битимлар давлат томонидан кафолатланади, айни пайтда бошқа мамлакатларда ижтимоий ва тиббий суғурта хусусий фирмаларга топширилади. Таълим ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу ҳол битимларни кафолатлашнинг муқобил механизмларини таққослашда улар томонидан муайян иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларда юзага келадиган трансакция харажатларининг ўзаро нисбатини эътиборга олиш лозим. Демак, давлатнинг мутлақ чегараси *мавжуд эмас*, шунингдек муайян тарихий ҳаққонийликка нисбатан олинмаса, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга давлат аралашувининг оптимал ўлчамлари ҳам *мавжуд эмас*.

Ушбу хулоса Дуглас Норт томонидан келтирилган тарихий истиқболда давлат ролининг таҳлили билан тасдиқланади. Ўзининг энг машҳур «Иқтисодий тарих таркиби ва ундаги ўзгаришлар» китобида у иккита иқтисодий инқилоб ҳақида айтиб ўтган. Норт бўйича биринчи иқтисодий инқилоб деҳқончилик ресурс базасини оширишнинг асосий манбаси бўлган инсониятнинг кўчманчи ҳаётдан ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтишида юз берди. Айнан шу вақтда ерга нисбатан мулкчилик ҳуқуқларини кафолатлаш механизми сифатида давлат қурилишининг дастлабки шакллари пайдо бўлди. «Мутлақ мулкчилик ҳуқуқлари [ерга нисбатан] мулкдор учун [ундан фойдаланиш] самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга тўғридан-тўғри рағбатларни таъминлайди.

## Ўз ўзини назорат қилиш саволлари

1. Шўролар даврида давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим манбаси бўлиб якуний талаб товарларининг катта қисмига ва кейин ишлов бериладиган айрим ярим тайёр маҳсулотларга солинадиган айланмадан солиқ ҳисобланарди. Сотиш қиймати ҳамда сарфланган хомашё ва материаллар қиймати ўртасидаги фарқдан тўланадиган ҚҚСнинг селектив хусусиятга эга бўлган ва асосан якуний истеъмолга мўлжалланган айланмадан солиққа нисбатан афзалликларини кўриб чиқинг.
2. 1989 йилги АҚШ федерал бюджетининг даромадлар қисмини таҳлил қилиш асосида қандай хулосаларни чиқариш мумкин?
3.

| Бюджет даромадлари (ЯИМга нисбатан %да) | |
|---|---|
| Аҳолидан солиқлар (даромад солиғи) | 8,4 |
| Фойдадан солиқ (корпорациялардан) | 2,0 |
| Ижтимоий тўловлар (ижтимоий суғурта тўловлари) | 7,1 |
| Бошқалар (акцизлар, сотишдан солиқғлар, мол-мулк солиғи) | 1,7 |
| Жами даромадлар | 19,2 |

4. Фуқаролар ички терроризм таҳдиди юз тутиб турганда ҳал этишлари мажбур бўлган муаммовий ҳолатларга институционал изоҳ беринг: хавфсизлик учун *хусусий* харажатларни ошириш ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига йўналтириладиган *давлат* маблағларидан самарали фойдаланиш кафолатларини яратиш.
5. Янош Корнаининг қуйидаги фикрини қандай тушунасиз: «Солиқ тизими мумкин қадар бетараф бўлиши керак. Асосланган истиснолардан ташқари, давлат фуқароларни солиқлар тизими орқали рағбатлантириши ёки жазолаши мумкин эмас»?

## Мавзуга оид адабиётлар рўйхати


1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009 й.
2. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи.23.01.09.
3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
4. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
5. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2006.
6. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Т.: 2005.
7. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: «Молия». 2002.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 9-мавзу | ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДА ЯНГИ ИНСТИТУТЦИОНАЛ НАЗАРИЯ |
|---|---|

**9.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| *Амалий машғулот режаси* | 1. Давлатнинг функциялари<br>2. Давлат хусусиятини баҳолашнинг эмпирик усуллари<br>3.Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»<br>4. Давлат «чегараси» |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*. Талабаларга Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти.Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида.Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлили етказилади. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>1 Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти тушунтириш;<br>2. Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида таништириш;<br>3. Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлилини тушунтириш; | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>1 Давлат тўғрисида янги иниститутционал назариянинг мазмуни ва моҳияти тушунтириш;<br>2. Давлат моддий ва ижтимоий неъматлар ишлаб чиқарувчи агент сифатида таништириш;<br>3. Тўсатдан вужудга келган иқтисодий тартиб ва идеал давлат типи тўғрисида маълумотлар бериш;<br>4. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлилини тушунтириш; |
| **Таълим методлари** | Амалиёт, тезкор сўров, нима учун техникаси |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, маркерлар, ўқув тарқатрма материаллари |
| **Таълим шакллари** | Жамоавий, жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**9.1. “Давлат тўғрисида янги институтционал назария”**

мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

<table>
<tr><th rowspan="2">Фаолият босқичлари</th><th colspan="2">Фаолиятнинг мазмуни</th></tr>
<tr><th>Таълим берувчи</th><th>Таълим олувчилар</th></tr>
<tr><td>Тайёрлов босқичи</td><td>Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.<br>Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди.<br>Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.</td><td></td></tr>
<tr><td>1. Кириш босқичи<br>(5 дақиқа)</td><td>1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади.<br>1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади (1-илова).</td><td>Тинглайдилар.</td></tr>
<tr><td>2. Асосий босқич<br>(50 дақиқа)</td><td>2.1.Талабаларни фаоллаштириш максадида тезкор-сўров усулини қўллайди:<br>1. Давлат тўғрисида янги институтционал назарияни айтинг?<br>2. Давлат фаолиятини иқтисодий таҳлилини тушунтириш?<br>2.2.Талабаларни 5 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга эксперт вазифаларини тарқатади ва уларнинг моҳияти билан таништиради. Эксперт топшириқларини “ФСМУ” техникаси асосида бажаришларини тушунтиради. (2,3-иловалар).<br>Аввал якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиришни таклиф қилади.<br>Талабалар фаолиятини назорат қилади, йўналтиради, маслаҳат беради. Баҳолаш мезонларини эслатади. Тақдимот бошланишини маълум қилади.</td><td>Саволга жавоб берадилар.<br><br>Гуруҳларга бўлинади.<br>Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради.<br><br>Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва такдим қилади.<br>Танлаган фикрини асослайди. Бошқа</td></tr>
</table>

| | | |
|---|---|---|
| | 2.3.Бажарган ишларини такдим қилишларини сўрайди. Такдимот жараёнида талабалар фикрларини таҳлил қилади, фаол иштирокларини рағбатлантиради. | иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради. |
| **3. Якуний босқич** *(15 дақиқа)* | 3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди.<br>3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади.<br>3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат ва тест саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(4- илова).* | Эшитади.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1-илова**

***Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари***

| ***Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари*** | ***1- гуруҳ*** | ***2- гуруҳ*** | ***3- гуруҳ*** |
|---|---|---|---|
| Максимал балл – 2 | | | |
| - савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл) | | | |
| - жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл) | | | |
| - гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл) | | | |
| - берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл) | | | |
| - регламентга риоя килди (0,2) | | | |
| ***Жами: (2 балл)*** | | | |

1,5 – 2 балл - «аъло»
1,0 – 1,4 балл - «яхши»
0,5 – 0,9 балл - «коникарли»
0 - 0,4 балл - «коникарсиз»

**2-илова**

***Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси***
***ФСМУ технологияси***

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

| |
|---|
| Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади. |

**3-илова**

***Таянч иборалар***:

Давлатнинг функциялари,Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш, Давлатнинг «муваффақиятсизликлари», Давлат «чегараси».

**Такрорлаш учун саволлар.**

1. Мулкчилик ҳуқуқлари тутами тушунчаси.
2. Оптимал шартнома назарияси.
3. Шартномалар турлари: классик ва неоклассик.
4. Ташкилотлар назарияси.
5. Институтлар ва ташкилотлар.
6. Фирманинг таркибий тузилиши.
7. Принципал ва агент ўзаро муносабатлари муаммоси.
8. Халқаро бизнеснинг ташкилот фаолиятига таъсири.
9. Режа ва бозор иниститутлари.
10. Иқтисодиёт кониституцияларининг шаклланиши.
11. Буйруқбозлик иқтисодиёти меъёрлари.
12. Фирманинг ички тузилмаси.
13. Фирмани ривожлантириш траекторияси.
14. Фирмаларнинг асосий хиллари.
15. Ташкилот менежментнинг асосий объекти сифатида.
16. Ташкилотда менежмент тизими ва унинг бошқа тизимлар билан боғлиқлиги.

| **10-мавзу** | **УЙ ХЎЖАЛИГИ ВА УНИНГ ХИЛЛАРИ.** |
|---|---|

(маъруза – 2 соат, амалий -2 соат)

**10.1. Маърузани олиб бориш модели**

| | |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | Муаммоли<br>Талабалар сони – 40-50 та |
| *Маруза режаси* | 10.1.Уй хўжалиги ташкилот сифатида<br>10.2. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли<br>10.3. Уй хўжалигининг хиллари |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*. Талабаларга уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари, фаолият юритиши ва унинг функциялари, шунингдек, деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми эканлигини тушунтириш. | |
| *Педагогик вазифалар:* | *ўқув фаолияти натижалари:* |
| 1. Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари тушунтирилади;<br>2. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги етказилади;<br>3. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари тушунтирилади;<br>4. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида таништирилади. | 1. Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятларининг мазмуни ва моҳиятини тушунади;<br>2. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлигини тушунади;<br>3. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари тўғрисида маълумотлар олади;<br>4. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми эканлигини асослаб берадилар; |
| Ўқитиш воситалари | маъруза матни, компьютер слайдлари, доска |
| Ўқитиш усуллари техникаси | маъруза, ақлий хужум техникаси Зиг-заг, хабарлашиб ўрганиш усули, Инсерт техникаси |
| Ўқитиш шакллари | фронтал, коллектив иш |
| Ўқитиш шароити | компьютер, мультимедия проектор |
| Мониторинг ва баҳолаш | Тест, оғзаки саволлар, блиц-сўров |

**“Уй хўжалиги ва унинг хиллари” мавзусининг технологик харитаси**

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич.<br><br>Мавзуга кириш<br>(20 мин) | 1.1.Ўқув машғулоти мавзуси саволларни ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.Ақлий хужум усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни фаоллаштиради. Хабарлашиб ўрганиш усули натижасига кўра тингловчиларнинг нималарда адашишлари, хато қилишлари мумкинлигининг ташхизини амалга оширади. (1-илова). | Тинглайдилар.<br><br>Саволларга жавоб берадилар. |
| 2 - босқич.<br>Асосий бўлим<br><br>(50 мин) | 2.1.1 Талабаларнинг эътиборини тортиш учун жонлантириш саволларини беради. (2 - илова).<br>2.2. Маъруза режасининг ҳамма саволларни тушунтиради Повер Поинт да яратилган слайдлар ёрдамида ( 3-илова).<br>2.3.Ҳар бир савол ниҳоясида умумлаштирувчи хулоса беради.<br>2.4.Таянч ибораларга қайтилади. Талабалар иштирокида улар яна бир бор такрорланади. | Тинглайдилар ва жавоб берадилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>Ҳар бир таянч тушунча ва ибораларни муҳокама қиладилар. |
| 3-босқич.<br>Якунлов чи<br><br>(10 мин) | 3.1.Машғулот бўйича якунловчи хулосалар қилади. Мавзу бўйича олинган билимларни қаерда ишлатиш мумкинлиги маълум қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ўрганиш учун топшириқ беради<br>3.3. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.<br>3.4. Инсерт усулидан фойдаланиб кейинги мазвуга тайёрланиб келишга топшириқ беради. | Саволлар берадилар<br>УМКга қарайдилар.<br><br>Мустақил ўрганиш учун топшириқларни ёзиб оладилар.<br><br>УМКга қарайдилар.<br><br>УМКга қарайдилар. |

1- илова (2.1.)

## «Ақлий ҳужум» нинг асосий қоидалари:

-айтилаётган барча ғоялар бир –бирига нисбатан муҳимликда тенгдир.
-киритилаётган ғоялар танқид қилинмаслиги керак.
-ғояни тақдим этаётган пайтда сўзловчининг гапини бўлмаслик.
-сўзловчига нисбатан баҳоловчи компонент мавжуд эмас.
- олға сурилган ғоялар баҳоланмайди ва танқид остига олинмайди;
- иш сифатига эмас, сонига қаратилади, ғоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган ғояларни мумкин қадар кенгайтириш ва ривожлантиришга ҳаракат қилинади;
- муаммо ечимидан узоқ ғоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча ғоялар ёки уларнинг асосий мағзи (фаразлари) қайд этиш йўли билан ёзиб олинади;
- «хужум»ни ўтказиш вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- бериладиган саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилиши керак.

## Хабарлашиб ўрганиш усули қоидаси

1. Саволларга ўйланиб жавоб беришни сурайди.
2. Талабалар 4-5 гуруҳга ажратилади.
3. Ҳар бир гуруҳдан экспертларни аниқлашни сўрайди.
4. Экспертлар биттадан савол бўйича гурух аъзоларини таништириши керак.
5. Экспертлар варағини тарқатади ва гуруҳда ишлашни ташкил этади.
6. Экспертлар презентация қилиш кераклигини маълум қилади.
7. Маслаҳатчи ўрнида шархлайди, аниқлик киритади.

Презентацияни якунлаб, ҳар бир гуруҳга ҳар бир савол учун хулосалар қилади.

2-илова (2.2.)

**Мавзуни жонлантириш саволлари.**

1. Уй хўжалиги таърифини келтиринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлигини айтинг.
2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?
3. Уй хўжалигини юритиш ва инсон капиталини шакллантиришда қандай вазифалар (функциялар) амалга оширилади?
4. Уй хўжалигининг қанақа шакллари мавжуд ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

3- илова (3.1.)

## 1-§. Уй хўжалиги ташкилот сифатида

Уй хўжалиги тўғрисида сўз юритганда, икки тушунча-оила ва уй хўжалиги тушунчаларни чегаралаш лозим. Оила деганда, бир уйда яшаши оила-қариндошчилик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашган гуруҳ тушунилади. Уй хўжалиги эса умумий вазифалар, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳини ўзида намоён қилади. Бошқача айтганда, оила фаолияти кўплаб ўлчамларни ўз ичига олади: биологик, демографик, руҳий, ижтимоий ва б. Уй хўжалиги фаолияти эса оилани фаолият соҳасининг биргина-иқтисодий турига йўналтиради. Уй хўжалигининг асосий функциясини *инсон капиталини* шакллантириш, ундан фойдаланиш ва сақлаш деб белгилаш лозим. Бу ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий кўникмалари ва меҳнатга тиришқоқлигининг йиғиндиси сифатида тушунилади. 14.1-расмда инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари изоҳланган. Уй хўжалигини юритиш унинг аъзоларининг оила бизнесида иштироки ҳамда оила капиталини уни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтириш асосий масала ҳисобланади.

Уй хўжалигининг асосида ётувчи ҳокимият муносабатлари ҳақидаги тезис аниқликлар киритилишини талаб қилади. Бир томондан, уй хўжалигининг фаолият кўрсатиши қуйидагиларни назарда тутади:

- болалар ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқининг ота-оналарга топширилиши, бунинг ўрнига бола учун у ҳақида қайғуриш ва уни манфаатларининг таъминланиши кафолатланда;
- оилавий бюджетнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назорат қилиш, ҳуқуқининг уй хўжалигининг одатда “оила бошлиғи” деб номланувчи бир аъзосига топширилиши, у барча оила аъзоларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва уларга ўзлари алоҳида эриша олиши мумкин бўлгандан ортиқ даражадаги фаровонликни таъминлайди.

Умуман уй хўжалигининг мақсади – ўз аъзоларига кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар кафолатланган фаровонлик даражасини таъминлашдан иборат. Уй хўжалигининг ҳимоя функцияси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашнинг расмий ва норасмий меъёрларига асосланади.

Уй хўжалиги – бу инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир. Уй хўжалигининг асосида ҳокимият муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқи унинг бир аъзосига – “оила бошлиғи”га ўтади.

## 2- §. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли

Фирманинг фаолият кўрсатишини кўриб чиқишда биз мутаассибликнинг ахборот харажатлари ва мониторинг ҳамда оппортунистикликдан огоҳлантириш харажатларини пасайтиришдаги ролини алоҳида кўрсатдик. Фирмадан фарқли равишда, уй хўжалигининг фаолияти кўпроқ мутаассиблик хусусиятига эга. Бунинг сабаби умуман трансакция харажатларини тежашда эмас, чунки уй хўжалиги доирасида барча ўзаро муносабатлар локаллашган бўлиб, назорат қилиш осондир ва ижтимоий чораларни қўллаш учун имкониятлар мавжуд. Мутаассибликлар ролини изоҳлаш йўллари бир нечта.

Биринчидан, ўз атрофида ўзига маъқул келадиган муҳитни яратишга бўлган эҳтиёж инсонга хос хусусиятдир. Бозорда ёки фуқаролик келишуви соҳасида ҳаракат қила туриб, инсон хоҳ у бозор конъюнктураси ёки сиёсий беқарорлик бўлсин, ўзгарувчан ҳолатлар билан боғлиқ асабларнинг таранглашувига доимий равишда дуч келиб туради. Оила ва уй хўжалигини ташкил этиш инсонга ўзини кундалик ҳаётининг бир қисмини мутаассиблик ёрдамида, яъни узлуксизлик ва олдиндан билиш тамойилларига мувофиқ равишда ташкил этиш имконини беради. Одатий кундалик ҳаёт монандлик, инсоннинг шахсий хусусиятларига мослашган ҳолда харакатларнинг автономияси ва олдиндан айтиб берилишини таъминловчи мутаассибликлар доирасида кечади.

Айнан мутаассиблик билан ҳимояланган кенглик доирасида дастлаб ишонч меъёри пайдо бўлади. Энтони Гидденс болада атрофдаги одамларга бўлган ишончнинг пайдо бўлишини ота-оналарнинг ҳатти-харакатлари билан боғлайди, чунки улар бола унда ўзини жуда қулай ҳис қиладиган ташқи муҳитдан ҳимояланган кенгликни ҳосил қилган ҳолда у ҳақида қайғуришади. Ушбу кенгликда бола ўз ҳатти-ҳаракатларини тўлиқ назорат қила олади, ҳаракатлари натижасига ташқи омиллар деярли таъсир қилмайди.

Иккинчидан, атрофдаги одамлар билан ўзаро ҳамкорликдаги кўплаб “ўйин қоидалари” (келишувлар: бозор, индустриал, фуқаролик ва б.) мавжуд шароитда инсонда у ўзи билан ўзи ёлғиз қолиши мумкин бўлган соҳани шакллантиришга эҳтиёж туғилади. Бошқача айтганда, инсонда “ўзи учун кундалик ҳаётнинг унинг бошқа кишилар ва табиат билан мулоқот алоқалари унинг шахсиятли ўхшашликка эришиши ва уни сақлашга кўмаклашувчи муҳитни яратиш эҳтиёжи мавжуд”. Ушбу талаб икки соҳани – шахсий ва ошкора ҳаётни чегаралаш орқали амалга оширилади.

## 4-§. Уй хўжалигининг хиллари.

Уй хўжалиги фаолият кўрсатишидаги мутаассибликлар ролинин таҳлил қилиш уни таркибининг у ҳаракат қиладиган институционал муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан шартланганлигини фараз қилишга ёрдам беради. Ҳақиқатдан ҳам, уй хўжалиги инсонни ташқи муҳитнинг ноаниқлигидан, унга юклатиладиган ўйин меъёрлари ва қоидаларидан, кундалик муаммоларга ортиқча эътибор қаратишдан сақлайди. Бинобарин, институционал муҳит хусусиятлари (ноаниқлик даражаси, расмий ва норасмий меъёрларнинг ўзаро нисбати, содир бўлаётган ўзгаришлар тезлиги) уй хўжалигининг таркибига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, фирма ёки давлатнинг универсал модели бўлмагани каби, уй хўжалигининг ҳам универсал модели мавжуд эмас. Шу муносабат билан уй хўжалигининг учта идеал хилини ёритишга ҳаракат қиламиз: бозор институти хукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи, буйруқбозлик иқтисодиёти институти хукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ва буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият кўрсатувчи.

**Инсерт техникаси бўйича мавзуни ўқиб чиқинг ва жадвални тўлдиринг.**

| В | + | - | ? |
|---|---|---|---|
| | | | |

**Инсерт жадвали**

Инсерт жадвали қоидаси:

**V-** олган билимига тўғри келади.

**+ -** янги маълумот

**-- -** олган билимига қарама-қарши

? – тушунарсиз (аниқланиши зарур бўлган маълумотлар)

**Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.**

1. Уй хўжалиги таърифини келтиринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлигини айтинг.
2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?

3. Уй хўжалигини юритиш ва инсон капиталини шакллантиришда қандай вазифалар (функциялар) амалга оширилади?

4. Уй хўжалигининг қанақа шакллари мавжуд ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

**Мавзуга оид адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, 2009.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995, 23-24- бетлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Адолат», 2008.
4. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т., «Адолат», 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси.Т.: «Адолат». 2008.
6. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
7. Кувондиков Ш.О. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари.// иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Самарқанд – 2008. 156 б.
8. Норт Д. Институты, институциональные изменения и экономическая эффективность – М., 2002.
9. Сэмюэлс У. Институциональная экономическая теория // Панорама экономической мысли XX столетия. Под ред. Д. Гринуэя, М. Блини, И. Стюарта. – СПб: Экономическая школа, 2006.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| 10-мавзу | УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ |
|---|---|

**10.1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 20 – 30 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар** |
| *Амалий машғулот режаси* | 1.Уй хўжалиги ташкилот сифатида<br>2. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли<br>3. Уй хўжалигининг хиллари |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*. Талабаларга уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари, фаолият юритиши ва унинг функциялари, шунингдек, деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми эканлигини тушунтириш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>1. Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари тушунтирилади;<br>2. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги етказилади;<br>3. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари тушунтирилади;<br>4. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида таништирилади. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>1. Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятларининг мазмуни ва моҳиятини тушунади;<br>2. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлигини тушунади;<br>3. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари тўғрисида маълумотлар олади;<br>4. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми эканлигини асослаб берадилар; |
| **Таълим методлари** | Амалиёт, тезкор сўров |
| **Таълим воситалари** | Маъруза матни, маркерлар, ўқув тарқатрма материаллари |
| **Таълим шакллари** | Жамоавий, жуфтликларда ва гуруҳларда ишлаш. |
| **Ўқитиш шарт-шароити** | Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория |
| **Мониторинг ва баҳолаш** | Назорат саволлари, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш. |

**10.1. “Уй хўжаликлари ва унинг турлари”** мавзуси бўйича амалий машғулотларни олиб боришнинг технологик харитаси

| Иш босқич-лари | Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни | Тингловчи фаолиятининг мазмуни |
|---|---|---|
| 1-босқич (20 мин) | 1.1Ўқув машғулоти саволларни таҳлил қилади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2.Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (1-илова).<br>1.3.Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади.(2-илова).<br>1.4.Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимлари жонлантирилади | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар.<br>Топшириқлар билан танишадилар<br>Жавоб берадилар |
| 2 - босқич Асосий бўлим. (50 мин) | 2.1.Топшириқларни аниқлайди ва гуруҳда ишлашни ташкил этади. Ечимни текширади ва баҳолайди. (3-илова).<br>2.2.Топшириқлар мазмунини тушунтиради ва бажариш бўйича маслаҳатлар беради. | 2 та кичик гуруҳга ажраладилар.<br>Топшириқда келтирилган саволларга 1-2 жавоб тайёрлайди.<br>Презентацияни амалга оширадилар. |
| 3-босқич. Якун ловчи (10 мин) | 3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.<br>3.2.Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.<br>3.3.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар беради. | Саволлар берадилар<br>УМКга қарайдилар. |

1-илова (1.1)

**Баҳолаш мезони:**

2,6-3,0 балл- «аъло»
2,1- 2,0 балл - «яхши»
1,6-2,0 балл- «қониқарли»
0- 1,5 балл- «қониқарсиз»

2-илова.(2.2.)

**1- топшириқ**

1. Уй хўжалигига таъриф беринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятларини айтинг?
2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?

**2- топшириқ**

1. Уй хўжалигининг инсон капиталини шакллантиришда қандай функциялари бор?
2. Уй хўжалигининг қанақа шакллари мавжуд. фарқи нимада?

3-илова (3.3)

**Кичик гуруҳларда ишлаш қоидаси**

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва малакаларга эга бўлмоғи лозим.
2. Гуруҳларга аниқ топшириқлар берилмоғи лозим.
3. Кичик гуруҳ олдига қўйилган топшириқни бажариш учун етарли вақт ажратилади.
4. Гуруҳлардаги фикрлар чегараланмаганлиги ва тазйиққа учра-маслиги ҳақида огоҳлантирилиши зарур.
5. Гуруҳ иш натижаларини қандай тақдим этишини аниқ билиш-лари, ўқитувчи уларга йўриқнома бериши лозим.
6. Нима бўлганда ҳам мулоқотда бўлинг, ўз фикрингизни эркин намоён этинг.

**ФАН БУЙИЧА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ ЖАДВАЛИ (ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА):**

| Ишчи ўқув дастуридаги мавзулар тартиб рақами (қўшимча топшириқ мазмуни) | Умумий соат | | | | | Баҳолаш тури | Назорат шакли | Балл | | Муддати (ҳафта) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Маъруза | Амалий машғулот | Лаборат. иши | Мустақил иш | Жами | | | Мах. балл | Сар. балл | |
| 5 – семестр | | | | | | | | | | |
| 1 –6 | | 10 | | 10 | 20 | ЖБ | Кундалик назорат, уй иши, реферат, коллоквиум, тест | 13 | | сентябр, 1- ҳафта |
| 7-12 | | 10 | | 10 | 20 | ЖБ | Кундалик назорат, уй иши, реферат, коллоквиум, тест | 13 | | ноябр, 1- ҳафта |
| 13-18 | | 10 | | 10 | 20 | ЖБ | Кундалик назорат, уй иши, реферат, коллоквиум, тест | 14 | | декабр, 1- ҳафта |
| 1 – 9 | 14 | | | 10 | 24 | ОБ | Оғзаки | 15 | | декабр, 2- ҳафта |
| 10-18 | 14 | | | 10 | 24 | ОБ | Оғзаки | 15 | | феврал, 3- ҳафта |
| 1-18 | | | | | | Ж/Б+ О/Б | | 70 | 39 | |
| 1– 18 | 28 | 30 | | 50 | 108 | ЯБ | Ёзма | 30 | | Жадвал бўйича |

**Жорий назоратларда баҳолашлар мезони**

| Макс. балл | Баҳоланадиган иш турлари |
|---|---|
| 4 | Дарсга назарий тайёргарликни бажариш |
| 9 | Умумий ва якка тартибдаги уй вазифаларини бажариш |
| 9 | Лаборатория, семинар, мустақил ишларини бажариш ва топшириш (ҳар бир лаборатория, семинар, мустақил иши учун максимал 12 балл) |
| 9 | Назорат иши, мавзу(лар) бўйича тест топшириш. |
| 9 | Ўқув дастурига қўшимча реферат ёзиш, амалий топшириқлар бажариш ва ҳимоя қилиш (мустақил таълим) |
| 40 | Жами |
| 10 | Фан бўйича илмий конференсия, олимпиада, танлов ва конкурсларда иштирок этиб, юқори ўринларни (1-3) эгаллаш ёки илмий мақола ва рисолалар чоп этган талабага рағбатлантириш мақсадида 45 балл доирасида 10 баллгача қўшимча балл берилади. |

*Изоҳ:* Уй топшириқлари, лаборатория ишлари ва бошқа қўшимча топшириқларни бажарганлиги учун балл беришда топшириқнинг тўғри, сифатли ва муддатида бажарилиши, ижодий ёндашиш, тушунтириб бера олиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилади. Ушбу топшириқларнинг ёзма баёни учун алоҳида дафтар тутилади.

**Оралиқ ва якуний назоратларда баҳолашлар мезони**

| Балл | | Талабанинг билим, кўникма, фикрлаш даражаси |
|---|---|---|
| ОБ | ЯБ | |
| 29-30 | 29-30 | Талаба фаннинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрнини, ўтилган материални чуқур тушунади, саволга аниқ ва тўлиқ жавоб беради, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, хулосаларни асослай олиш қобилиятига эга, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ва ўзига хос усулларда ҳал қила олади, тўғри хулоса чиқаради. |
| 27-28 | 27-28 | Талаба ўтилган материални чуқур тушунади, саволга тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлаш ва хулосаларни асослай олиш қобилиятига эга, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, умуман масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ҳал қилади, лекин хулосаларда баъзи ноаниқликларга йўл қўяди. |
| 25-26 | 25-26 | Талаба ўтилган материални ва унинг мохиятини анча чуқур тушунади, саволларга тўлиқ жавоб беради. Лекин умумий |

| | | |
|---|---|---|
| | | характердаги айрим хатоликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикирлаш ва хулосаларни асослаш қобилияти бор, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни умуман тўғри ҳал қила олади, лекин хулосаларда ноаниқликлар учрайди. |
| 23-24 | 23-24 | Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини жуда яхши тушунади, саволларга умуман тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, лекин баъзи хулосаларни тўлиқ асослаб беролмайди, умуман масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни бироз қийинчилик билан, лекин умуман тўғри ҳал қилади, хулосаларида ноаниқликлар учрайди. |
| 21-22 | 21-22 | Талаба ўтилган материални ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини яхши тушунади, саволларга тўлиқ жавоб беради, лекин баъзи умумий характердаги хатоликлара йўл қўяди, фактларга баҳо беришда бироз қийналади, умуман мустақил фикрлай олади, лекин айрим хулосаларни асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга анча ижодий ёндашади, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим умумий характердаги хатоликларга йўл қўяди, хулосаларида ноаниқликлар учрайди. |
| 19-20 | 19-20 | Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини умуман тушунади, саволларга анча аниқ ва тўлиқ жавоб беради, лекин айрим хатоликларга йўл қўяди, айрим фактларни шунчаки ёдлаб олганлиги сезилиб туради, айрим хулосаларни тўғри асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга ижодий ёндашиш сезилмайди, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим хатоликларга йўл қўяди, хулосаларида ноаниқликлар учрайди. |
| 17-16 | 17-16 | Талаба ўтилган материални умуман билади. Саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади, лекин айрим жиддий хатоликларга йўл қўяди, қатор фактларни шунчаки ёдлаганлиги сезилади, хулосаларни асослашда қийналади, ижодий ёндашиш сезилмайди, амалий топшириқларни умуман ҳал қилади, баъзи жиддий хатоликларга йўл қўяди. |
| 14-16 | 14-16 | Талаба ўтилган материални умуман билади, аниқ жавоб беришга харакат қилади, лекин жавобда жиддий камчиликлар бор, мулоҳаза юритишда хатоликларга йўл қўяди, фактларни асосан шунчаки ёдлаганлиги сезилади, айрим хулосаларни асослаб, бера олмайди ва масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олмайди, амалий топшириқларни қийналиб бўлсада ҳал қилади, лекин жиддий камчиликларга йўл қўяди. |
| 10-13 | 10-13 | Талаба ўтилган материални қисман билади, жавобда жиддий камчиликларга йўл қўяди, фактларни баҳолаб бера олмайди, хулосаларни асослашда қийналади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олмайди, амалий топшириқларни ҳал қилишда |

| | | |
|---|---|---|
| | | қийналади ёки ҳал қила олмайди. |
| 7-9 | 7-9 | Талаба ўтилган материал ҳақида қисман, узуқ-юлуқ тасаввурга эга, материалда яхши ўзлаштирилмаган, билган нарсасини ҳам фақат ёдлаганлиги сезилиб туради, фактларга баҳо бера олмайди, амалий топшириқларни деярли ҳал қила олмайди. |
| 4-6 | 4-6 | Талаба ўтилган материал ҳақида жуда кам тасаввурга эга, айрим фактларни узуқ-юлуқ билиши мумкин, амалий топшириқларни ҳал қила олмайди, жиддий қўпол хатоликларга йўл қўяди. |
| 0-3 | 0-3 | Талаба материал бўйича деярли ҳеч нарса билмайди, жуда кам тасаввурга эга ёки умуман тасавурга эга эмас. |

| **Назорат турлари** | **Рейтинг бали** |
|---|---|
| Жорий назорат;<br>40% | 86% – 100%; «Аъло» |
| Оралиқ баҳолаш; 30% | 71% – 85%; «Яхши» |
| Якуний баҳолаш; 30% | 55% – 70%; «Қониқарли» |
| Саралаш балл; 55% | 0% – 54%; «Қониқарсиз» |

## Мустақил ишни бажарилиш алгоритми



**Мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳат ва тавсиялар**

Мустақил иш мавзулари сифатида талаба курсда ўрганилаётган мавзулардан фойдаланишни тавсия қилинади.

Мустақил иш сифатида олинган мавзуни ёритишда адабиётлар ва интернет тармоғидаги сайтлардан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда мустақил иш мавзусини ўқитувчи билан биргаликда шакллантириб олиши зарур.

Кутубхона фондидаги электрон дарсликлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабаларнинг мустақил бажарган ишларига ўзларининг ҳам баҳоларини беришлари кўзда тутилган бўлиб, бунинг учун улар тайёрлаган ҳисоботларини титул варағида айрим кўрсаткичлар бўйича ўз ишларини баҳолашлари керак.

| № | Кўрсаткичлар | Тингловчининг ўз ишига баҳоси | Ўқитувчининг берган баҳоси |
|---|---|---|---|
| 1. | Мустақил иш мавзуси мазмунининг очиб берилиши тўлиқлиги *(максимум 10 % гача баҳоланади).* | | |
| 2. | Мавзу режасининг тўғри, аниқ ва тўлиқ шакллантирилганлиги *(максимум 10 % гача баҳоланади).* | | |
| 3. | Ёзилган маълумотларнинг адекватлик даражаси *(максимум 10 % гача баҳоланади).* | | |
| 4. | Қилинган хулоса ва берилган тавсияларнинг асосланганлиги *(максимум 10 % гача баҳоланади).* | | |
| 5. | Мустақил иш пунктларининг ўзаро мантиқий боғланганлиги *(максимум 10 % гача баҳоланади).* | | |
| 6. | Ишни бажаришда:<br>- фақат ўқитувчи берган материаллардан фойдаланиб *(максимум 5 % гача баҳоланади).*<br>- қўшимча адабиёт, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланиб – *(максимум 5 % гача баҳоланади).* | | |

**Презентацияни ўтказиш бўйича айрим амалий маслаҳатлар**

Презентация гуруҳ лидерининг чиқишидан бошланади: *Мен – Ф.И.Ш. ...*
Барча презентация қилувчиларнинг чиқишлари ўзларини таништиришдан бошлайдилар: *Мен – Ф.И.Ш. ...*
Маълумотлар: - график объектлар, тасвирлар, сиртлар;
ёки - график, диаграмма, схемалар кўринишида
келтирилиши керак.
Статистик маълумотларнинг манбалари акс эттирилиши керак.
Хулосаларнинг адекватлилиги кўрсатилиши лозим.

**Презентацияни ташкиллаштириш**

**Презентацияни ўтказиш шакли**

Интерактив диалог

тақдимот қилувчи талаба ↔ гуруҳдаги бошқа талабалар


Презентациянинг олиб борилиши
Гуруҳнинг барча аъзоларининг иштироки
Презентациянинг тўғри амалга оширилиши
Иштирокчиларнинг чиқишларида қарама-қаршиликлар бўлмаслиги керак
Тушунарсиз ва яққол ифодаланмаган фикрлар бўлмаслиги керак
Белгиланган вақт чегарасидан чиқиб кетмаслик лозим
Гуруҳ аъзоларининг чиқишлари кетма-кетлиги аниқланган бўлиши керак
Гуруҳ аъзоларининг функциялари белгилаб олинган бўлиши лозим

**Презентациянинг мазмуни**

- Презентацияда нима тақдим қилиниши лозим? Албатта мавзу ва унинг ечими.
  - Мавзунинг долзарблиги (ажратилган вақт 10 минутнинг 20%)
  - Мақсад, вазифа ва ҳолат (ажратилган вақтнинг 20%)
  - Хулоса ва амалий таклифлар (ажратилган вақтнинг 50%)
  - Резюме – гуруҳ лидери томонидан амалга оширилади (ажратилган вақтнинг 10%)
- Презентацияда нима бўлмаслиги керак
  - Ўқув машғулотлари ёки адабиётларда келтирилган мисоллар ва масалалар
  - Шартли статистик маълумотлар

**Пресс-конференция**

**Пресс-конференция ўтказилиши жараёни**

**Саволлар навбати билан берилади**

Савол берувчи ўрнидан турадива ўзини таништиради.
*Мен – Ф.И.Ш.*
*Мени саволим . . . га*

ёки

*Менинг саволим қуйидагига қаратилган.*

Гуруҳ лидери.
*Меннинг фикримча бу саволга . . . жавоб берса тўғри бўлади деб ўйлайман.*

**Саволлар аниқ шакллантирилган бўлиши керак**

**Саволлар мавзу доирасидан чиқмаган бўлиши керак**

**Савол бериш қоидалари**

Саволни қандай бермаслик керак:
Нега Сиз . . . деб ўйлайсиз?
Ишончингиз комилми . . . . эканлигига?
Қаердан олдингиз . . . . эканлигини?
Нега . . . . деб айтдингиз?

Саволни қандай бериш керак:
Агар . . . бўлса нима қилишни маслаҳат берган бўлар эдингиз?
. . . масалада нима фикрдасиз?
. . . ни қандай амалга оширса бўлади деб ҳисоблайсиз?

*Эсда тутинг:*

***Сизга берилган савол – нокомпетентликка ишора эмас!***

*Эслатма.*

**Пресс-конференция – бу**

Муносабатларни ойдинлаштирадиган дискуссия эмас
Баҳс-мунозара ҳам эмас
«Мураккаб саволлар» учун ҳисоблашиш эмас

**Пресс-конференция – бу**
**СИЗНИНГ ГУРУҲДОШЛАРИНГИЗ**
**МАСЛАҲАТЛАРИ**

## Мустақил ишни таҳлил қилиш варағи

| Таҳлил босқичи номи | Таҳлил босқичи мазмуни | Таҳлил натижаси | Баҳолаш | |
|---|---|---|---|---|
| | | | мезони | % |
| 1. Мавзунинг қўйилиши ва мақсади | Мавзуни атрофлича ёритиш учун тўғри режа тузиш ҳамда адабиётлар билан ишлаш усулини танлаш. | | Аниқ ва тўғри | 25% |
| 2. Мавзуни атрофлича ёритиш | Илмий ва эмпирик маълумотлар ва адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш. | | Тўғри ва аниқ | 25% |
| 3. Хулоса ва таҳлил | Маълумотларни таҳлил қилиш, шу асосда хулоса ва тавсиялар бериш. | | Аниқлик, қарорни асослан-ганлиги | 25% |
| 4. Ҳисобот ва тақдимот | Қилинган ишлар бўйича ёзма ҳисоботни тайёрлаш ва уни презентация қилиб ҳимоя қилиш. | | Лўндалик асосидаги презентация, саволларга аниқ ва лўнда жавоб. | 25% |

## БАРЧА МАВЗУЛАРГА ОИД ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН УМУМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I.Ўзбекистон Республикаси қонунлари.


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон,2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Тадбиркорлик субъектларига солиқ солиш ва уларнинг ҳисобот бериш тизими тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2005 йил 20 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" 25 май 2000 йил 69-II-сон. Норма тизими 2006.


### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари.


4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2008 йил 21 июл ПФ-3631 сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2008 йил 5 октябр ПФ-3665-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2008 йил 5 июн ПФ-2613-сон.


### III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий –меъёрий ҳужжатлари.


7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2008 йил 27 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида" 2008 йил 14 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори "Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Инвестиция дастури тўғрисида" 2007 йил 8 ноябр.

## IY. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

10. И.А.Каримов. “Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. –Тошкент, Ўзбекистон.: 2010
11. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари ” Ўзбекистон:. 2009.
12. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи.23.01.09.
13. И.А.Каримов “Эришилган юруқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим” Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.
14. И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». Т. Ўзбекистон 2005

## V. Дарсликлар.

15. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
16. Олейник А.Н. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. М., 2008.
17. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2006.
18. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Т.: 2005.
19. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: «Молия». 2002.

## YI. Ўқув қўлланмалар

20. Ишмухамедов А.Э., ва бошалар, Бозор иктисодиёти ва бизнес асослари ўқув кулланма -Т.: ТДИУ, 2004.-160 с.
21. Ишмухамедов А.Э., Аскарова М.Т. «Ўзбекистон миллий иқтисодиёти» -ўқув қўлланма -Т: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. – 256 бет.

## Y1I. Статистика тўпламлари маълумотлар

22. Промышленность республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 67б.

23. Инвестиции республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2010. – 86б

## YIII. Интернет сайтлари

24. www.economy.gov.ru
25. www.uza.uz
26. uzland.uz
27. www.stability.uz
28. www.ziyonet.uz

## IX. Моддий-техник ва ёрдамчи воситалар

1. Кўргазмали плакатлар.
2. Слайдлар дастаси.
3. Компютер дастурлари: Мапле ва бошқа.
4. Дастурлар пакети, масалан, АНСЙС ва бошқа.

## X. Педагогик технологияга оид баъзи адабиётлар

1. Остонов Қ. Янги педагогик технологияларни математика ўқитиш жараёнида тадбиқ етиш усуллари. Услубий қўлланма.– Самарқанд: СамДУ нашри, 2006.–72 б.
2. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари.-Т., 2001.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, Низомий, 2003.
4. Ахунова Г.Н., Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Тошкент: Иктисодиёт, 2009.
5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1989.
6. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие //Под общ. ред. акад. С.С. Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
7. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения. //Школьные технологии -2004.- № 4.
8. Ишмухаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: Истеъдод, 2008. – 180 б.
9. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. Т.: Ўқитувчи, 2004.
10. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. - Қарши, 2000.
11. Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.
12. Саидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003.

**13.** Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. - М.: Народное образование, 1998.
**14.** Толибов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Тошкент, 2006.
**15.** Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. - Т.: Фан, 2005.
**16.** Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии. -Т.: Фан, 2000.
**17.** Холмухаммедов М.М. ва бошқалар. Таълим педагогик технологиялари. Услубий қўлланма. – Самарқанд, 2005. – 49 б.

# ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ


| | |
|---|---|
| Муҳаррир | Г.Рахимова |
| Мусаҳҳиҳ | М.Рўзибоев |
| Техник муҳаррир | Ҳ.Каримов |

*2011-йил 18-мартда оригинал-макетдан босишга рухсат этилди. Бичими 60х84/ 1,16.*
*“Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма усулида босилди.*
*Шартли босма табоғи 6,5. Нашриёт ҳисоб табоғи 7,0. Адади 100 нусха.*
*084-буюртма.*

***СамДУ босмахонасида чоп этилди.***
***140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.***